Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 15 (1026) ● 2015-yil, 3-aprel, juma

Сўз халқаро кузатувчиларга

## Ўзбекистон фуқаролари

### Ватан равнақига бефарқ эмаслиги намоён бўлди

Мамлакатимиз фуқаролари 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этгани, сайлов халқаро нормалар ва демократик тамойиллар асосида ўтгани Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Мухбиримиз уларнинг бир гуруҳи билан шу мавзуда суҳбатлашди.

**Дмитрий АЛЕКСАНДРОВ,**
**Россия стратегик тадқиқотлар институти МДҲ бўлими етакчи эксперти:**



— Мен сайлов куни 6-сайлов округида, яъни Наманган вилоятидаги бир неча сайлов участкаларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Ушбу участкалардаги жараённи бевосита кузатар эканман, фуқароларнинг нақадар сиёсий фаоллиги, мамлакат бугуни ва келажагига нисбатан бефарқ эмасликларининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, куннинг биринчи ярмидаёқ рўйхатга олинган сайловчиларнинг қарийб ярмидан кўпи сайловга ташриф буюргани ҳавасимни келтирди. Кузатув мобайнида ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатларига дуч келмадим. Сайловчилар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларидан умумийлик, тенглик ва тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли орқали фойдаланишди. Сайлов умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ҳамда миллий сайлов қонунчилигига мос равишда ўтказилди.

2➢







Ф.ЖЎРАЕВ ва (ЎзА) олган суратлар



## Сайлов —

### демократик тамойиллар кўзгуси

29 март куни мамлакатимиз фуқаролари яна бир тарихий воқеликнинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлдилар. Юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашдек муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этиб, ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширдилар.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган мамлакатни демократик янгилаш, сиёсий жиҳатдан модернизациялашга қаратилган ислоҳотлар ва сўнгги йилларда Бош қомусимиз ҳамда миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган янгиланишлар самараси ўлароқ, навбатдаги Президентлик сайлови ҳам кўппартиявийлик асосида, ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий ҳамда халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилди.

2➢

## Дилбархон ХОЛЖИГИТОВА:

### “Мен, албатта, жаҳон чемпиони бўламан, деб ваъда берган эдим”

Партиядошимиз ютуғи

Бангкок шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортнинг таэквондо тури бўйича партиядошимиз Дилбархон Холжигитова 2 та олтин медални қўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони бўлди.



4➢

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

## «Адолат ва озодлик дастурингиз бўлсин...»

Маълумки, истиқлол йилларида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. 1996 йил юртимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди ва Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан “Амир Темур” орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Амир Темур асос солган кучли, қудратли давлат Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятидек мураккаб ва серқиррадир. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, биз бугун демократия деб аталган қадриятлар Темур давлатига ҳам хос хусусиятлардан бири бўлган.

Демократия ҳозирги кунда шарқда ҳам, ғарбда ҳам бирдай тушунарли сиёсий-ҳуқуқий қадриятлардан бири ҳисобланади. Луғатларда таъриф берилишича, демократия — бу “халқ томонидан идора этиш бўлиб, олий ҳокимият халқ қўлига топширилади



ва халқ уни ё бевосита, ё эркин сайловлар ёрдамида амалга оширади”. Аниқроқ қилиб айтганда, демократия бу халқ учун халқ томонидан амалга ошириладиган халқ ҳокимияти шаклидир.

3➢

Таҳлил

## Жаҳонга юз тутган мамлакат ёшлари

### чет тилларини мукаммал билиши зарур

Бола тили бол, деб бежиз айтишмас экан. Кичик қизим Самира тили чиқар-чиқмас, у ёқ-бу ёқдан эшитган қўшиғини бир зумда ёдида сақлаб, ёлғиз қолганида ёки шу қўшиқ бирон жойда янграганида уни ўз билганича хиргойи қилишга одатланган. Шундай чоғда биз, катталарнинг меҳри янада товланиб кетиб, ўз-ўзидан “ширин, асал” деган сифатлар кўнгилдан ўтаверарkан.




5➢

**Онлайн мурожаатлар** депутатларимизни изланишга чорламоқда

*Мамлакатимиз сиёсий партиялари орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг расмий веб-сайти — www.adolat.uzга йўлга қўйилган* ***"Онлайн депутат"*** *интерактив хизмати янги услубда иш бошлади.*

2

**Ташаббускорлик ва масъулиятни** мезон билган фаоллар

*— Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлаётганимда партиянинг мақсад ва вазифалари, ғоялари билан танишиб, касбий фаолиятимга, энг муҳими, дунёқарашимга тўла мос келишини англаган эдим, — дейди ҳамшира, БПТ қошидаги хотин-қизлар қўмитаси раиси Замира Илёсова.*

4

**Ёрқин келажак** бунёд этиш йўлида

*Ўзбекистонда фақат сабзавот етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар 6000 гектарни ташкил этади. 5 ой давомида иссиқхонадаги 1 гектар майдонда помидор ёки бодринг етиштириш учун йилига 300000 куб метр, республика бўйича эса 2 миллиард 340 миллион куб метр табиий газ керак бўлади. Бу жуда катта миқдор. Назаримизда, бу вазиятда иссиқхона хўжаликларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш оқилона ечим бўлар эди.*

6

**Сингапур менежментидан** хитой алифбосигача

*Йигирма тўрт ёшли тадбиркор Тошкентдаги Сингапур менежментини ривожлантириш университетида ўқиш билан бирга Хитой тилини ҳам яхшигина ўрганиб олди. Энди у Хитойга товар ҳомашёси ва технологиялар хариди бўйича хизмат сафари чоғида таржимонсиз иш кўра олади.*

7

# САЙЛОВ — демократик тамойиллар кўзгуси

Давоми. Боши 1-бетда

Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 нафар сайловчидан 18 миллион 942 минг нафар фуқаро овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 91,08 фоизини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Президент сайлови ўтган, деб ҳисобланади.

Сайлов жараёни давомида қонунчилик талаблари ва нормаларининг бузилгани ҳақида ахборотлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов 552 309 нафар ёки 2,92 фоиз, Акмал Холматович Саидов 582 688 нафар ёки 3,08 фоиз, Ислом Абдуғаниевич Каримов 17 122 597 нафар ёки 90,39 фоиз, Наримон Мажитович Умаров 389 024 нафар ёки 2,05 фоиз овоз тўплаган.

Юртимиз сиёсий майдонида 20 йилдан буён фаолият юритиб, ўз ғояларини, дастурий мақсад ва вазифаларини амалиётга татбиқ этиб, халқимиз муайян қатламининг сиёсий иродасини, манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган, ўз электоратига, хайрихоҳларига эга бўлган Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам мазкур муҳим сиёсий тадбирда ўз номзоди билан иштирок этди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган брифингда Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров оммавий ахборот воситалари вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари ва унда партиянинг иштироки хусусида баёнот берди.

Наримон Умаров сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Сайлов демократик принципларларга тўла мос ҳолда, адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида бўлиб ўтганлиги, сайловолди ташвиқотини олиб боришда барча номзодга тенг ҳуқуқий имконият ва амалий шароит яратиб берилиши тўлиқ таъминланганини эътироф этди.

Дарҳақиқат, Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудлардаги округ сайлов комиссиялари томонидан барча номзодларга тенг шароитлар яратиб берилди ва сайловолди ташвиқоти ҳеч қандай тўсиқларсиз, эркин амалга оширилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам яратилган барча имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда, Президентликка номзоднинг жойларда ўтказилган учрашувларида, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари ҳамда муҳокамаларда сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига, бўлажак сайловда уларнинг овозини олишга қаратилган фаол сайловолди ташвиқотини амалга оширди.

— Сайловни режали ва самарали ташкил қилишда партиямизнинг Марказий, ҳудудий ҳамда маҳаллий сайлов штаблари (жами 208 та) таянч тузилмалар вазифасини ўтади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати қошида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича штаб раҳбари Абдукамол Раҳмонов. — Сайлов штабларимиз сайловга оид барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, партиямиз дастурий ғояларини ва номзодимизни тарғиб қилувчи ташвиқот материаллари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди. Ҳудудий сайлов штабларимизга масъул этиб белгиланган ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари Марказий ва округ сайлов комиссиялари билан мустаҳкам ҳамкорликда сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан олиб боришди.

Сайловолди ташвиқоти даврида партиямиз томонидан кенг турдаги тарғибот материаллари тайёрланиб, тарқатилди. Хусусан, Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирувчи жами 829 та баннер ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги реклама тахталарига жойлаштирилди.

Шунингдек, партия номзодининг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури ўзбек ва рус тилларида акс этган 80000 нусхадаги китобча, кўпминг сонли брошюра, флаер, календарь ва бошқа тарқатма материаллар тарқатилди.

Марказий сайлов штабимиз томонидан тузилган режа асосида Президентликка номзодимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри сайловчилари билан юзма-юз учрашувлари ташкил этилди. Шу билан бирга, номзоднинг ишончли вакиллари барча, туман ва шаҳарларда 192 та учрашув ва мулоқотлар ўтказишди. Уларда 30 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этди.

Энг муҳими, жойларда сайловолди ташвиқоти доирасида ўтказилган учрашувларда сайловчиларнинг фаол иштироки уларнинг номзодлар сайловолди дастурлари, мамлакат аҳамиятига молик масалалар юзасидан номзодларнинг нуқтаи назарлари билан қизиқаётганликларида яққол намоён бўлди. Сайловчилар билан учрашувлар чоғида мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ихтиёрий равишда қатнашиши, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмаслиги бўйича қонунчиликда белгиланган меъёрларга тўлиқ амал қилинди.

Буни мамлакатимизга сайловни кузатиш бўйича ташриф буюрган халқаро кузатувчилар ҳам сайлов округлари ва сиёсий партияларнинг сайлов штаблари фаолияти билан танишиш асносида эътироф этишди.

Айниқса, сайловолди ташвиқотини олиб боришда ОАВда яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланилди. Хусусан, ушбу даврда "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока" газеталарида сайловолди ташвиқоти фаолиятимизга доир 50 дан ортиқ мақола чоп этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловчилар билан ўтказган учрашувлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий ва ҳудудий телеканалларидаги информацион дастурларда фаол ёритилди. "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телерадиоканалларида ҳамда маҳаллий телеканалларда номзоднинг сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари эфирга икки маротабадан тўлиқ узатилди. Партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини ифодаловчи роликлар намойиш этилди.

Президентликка номзод ҳамда унинг ишончли вакиллари томонидан сайловчилар билан учрашувлар ҳақида маҳаллий босма нашрларда жами 400 дан ортиқ мақола эълон қилинди. Шу билан бирга, юқорида қайд этилган марказий нашрлар ва 30 га яқин маҳаллий газеталарда Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли ҳамда дастури 5 та тилда тўлиқ чоп қилинди.

Шу билан бирга, партия расмий веб-сайти www.adolat.uzда ва "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасида қонунчиликда белгиланган тартибда чекланмаган миқдорда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Қолаверса, Президентликка номзоднинг сайловолди ташвиқоти давридаги фаолияти ва унга доир хабарлар республика ахборот агентликлари ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар электрон сайтларида, 10 дан ортиқ информацион порталларда, мамлакатимиздаги мавжуд нодавлат оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиб борилди.

Сайлов куни партиямизнинг барча сайлов штаблари тўлиқ таркибда фаолият олиб борди. Ҳудудий ва маҳаллий сайлов штабларимиздан келган ахборот ва маълумотлар партиямизнинг марказий штабида таҳлил этилиб, мувофиқлаштириб борилди. Сайлов жараёнларида қонунбузилиш ҳолатлари бўйича партия марказий штабига ва ҳудудий штабларга ҳеч қандай шикоят ёки мурожаатлар келиб тушмади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат, партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 29 март куни Тошкент шаҳридаги 505-сайлов участкасида ўз конституцион ҳуқуқидан эркин фойдаланди.

— 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида фуқароларимиз мамлакатимиз келажаги учун дахлдорлик ҳисси ва юқори даражадаги сиёсий маданият билан фаол иштирок этишди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири, партия кузатувчиси Музаффар Ҳайитов. — Сайловда партиямиздан жами тўққиз мингдан ортиқ кузатувчи овоз бериш жараёнларини кузатиб бориб, миллий қонунчилигимизда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланди. Сайловнинг бориши ва ташкилий жиҳатлар борасида партиянинг марказий сайлов штабига кузатувчилардан ҳеч қандай эътироз ёки шикоят келиб тушмади.

Ҳақиқатдан ҳам, сайлов куни гувоҳи бўлганимиздек, сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шароитлар яратиб берилди. Айниқса, она ва бола хоналари, тиббий хоналарнинг фаол ишлаб турганлиги халқаро кузатувчилар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Шунингдек, Президент сайловида биринчи марта иштирок этган ёшлар учун ушбу сиёсий тадбир бир умрга эсда қоларли даража ташкил этилди. Умуман, сайловда иштирок этган ёшу қари, барчанинг юз-кўзида ўзлари муносиб кўрган номзодга овоз берганлигидан мамнунлик ҳамда сайловнинг ташкилий жиҳатларидан қониқиш ҳисси яққол сезилди.

Сайлов натижаларини санаш ҳам холислик асосида, қонунда белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, Президент сайлови демократик тамойилларга тўла мос ва адолатли бўлиб ўтди.

Брифингда Н.Умаров сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари ва сайловчиларга миннатдорчилик билдирди. Бундан буён ҳам сайловчиларга берилган ваъдалар устидан чиқишга, сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни амалиётга татбиқ этишга, электорат манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга бор куч ва имкониятлар сафарбар қилиниши, қонунда белгиланган ваколатлардан унумли фойдаланган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик корпусларини дастурий мақсадлар ижроси йўлида ишга солишини билдирди.

Баёнот якунида Наримон Умаров Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги билан самимий муборакбод этди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

# Ўзбекистон фуқаролари

## Ватан равнақига бефарқ эмаслиги намоён бўлди

Давоми. Боши 1-бетда

**Гюнтер ФРИЧ,**
**Бранденбург Федерал ери ландтаги собиқ президенти (Германия):**



— Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги 6 та сайлов участкасида бўлдим. Кузатув чоғида ушбу участкалар сайлов комиссия аъзоларининг пухта тайёргарлиги, сайловчиларнинг фаол иштирокига гувоҳ бўлдим. Бу жараёндан германияликлар ўрнак олишса арзийди, десам янглишмайман. Шунингдек, ҳар бир сиёсий партиядан кузатувчиларнинг қатнашиши ва сайлов жараёнини кузатиши учун имконият берилгани сайловнинг адолатли ўтишига хизмат қилди. Кези келганда айтиш жоиз, Ўзбекистонга илк бора ташриф буюришим ва Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги диққатга сазовор жойларни томоша қилишга муваффақ бўлдим. Айниқса, қадимий шаҳар ҳисобланмиш Самарқанддаги меъморий обидалар, осори атиқалар, муқаддас қадамжолар ҳайратимни оширди. Бу ерга келишимдан аввал ушбу меъморий бойликлар ўрта асрлардаги ҳолати бўйича қолган ёки аксарияти бузилиб кетган, деган тасаввурда эдим. Бироқ, ўзим гувоҳ бўлгач, бугунги авлод вакиллари мазкур меросларни муносиб равишда асраб-авайлаётгани, уларни янада сайқаллаштириб, қайта тиклашганига амин бўлдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳеч ҳам ёддан чиқармайман.

**Жйотсна Дюбе ЧОУДХРИ,**
**"Ҳиндистон-МДҲ" савдо ва саноат палатаси бош котиби:**



— Ўзбекистондаги Президент сайлови ва сайловолди ташвиқоти жараёнини кузатдим. 2007 йилдаги Президент сайловида ҳам кузатувчи сифатида иштирок этгандим. Бу йилги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари, сайловга оид қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартишлар, номзодларга яратилган шароитлар алоҳида эътиборимни тортди. Хусусан, ҳар бир партиядан кўрсатилган номзод, улар учун яратилган тенг ташкилий-ҳуқуқий имкониятдан кўпчилик давлатлар ўрнак олса арзийди. Сайлов куни Тошкент шаҳридаги 3 та сайлов участкаларида бўлдим ва партияларнинг кузатувчилари, сайлов участка комиссияси аъзоларининг фаолиятидан қониқдим. Сайлов миллий қонунчилик талаблари ва халқаро нормаларга тўла мос равишда, демократик тарзда, адолатли ўтди.

**Валериус СИМУЛИК,**
**Литва Сеймидаги Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси:**



— Ўтган йилги парламент сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиб, илиқ таассуротлар билан юртимга қайтгандим. Президент сайлови ҳам худди шундай кайфиятда ўтди. Пойтахтдаги 20 дан ортиқ сайлов участкаларидаги жараёнларни кузатар эканман, сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги, ушбу муҳим воқеликка нисбатан муносабати ҳавасимни келтирди. Ахир, Литвада сўнгги йиллардаги сайловларда 40-45 фоиз сайловчилар иштирок этиши кузатилаяпти.

Юртингизда Марказий сайлов комиссияси вакилларининг ҳамда сиёсий партияларнинг сайловга пухта тайёргарлиги яққол сезилиб турибди. Сайлов участкалари аҳоли учун қулай жойларда жойлашгани, тиббиёт, она ва бола хоналарининг ташкил этилгани сайловчилар учун қулай имконият яратилганидан далолатдир.

**Аҳмед Нуби МУСА,**
**Луксор шаҳридаги Миллий кутубхона директори (Миср):**



— Ўзбек халқини ушбу муҳим аҳамиятга эга сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови транспарентлик, очиқлик асосида ўтказилганлиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. 19 март куни Тошкент шаҳрига етиб келдим ва сайловга қадар Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги сайловга тайёргарлик ишлари ҳамда сайловолди ташвиқоти билан яқиндан танишдим. Сайлов куни Хоразм вилоятидаги бир неча сайлов участкаларига ташриф буюрдим. Об-ҳавонинг кескин совиб кетишига қарамай, сайловда ўз овози билан иштирок этишни истаган сайловчиларнинг кўплиги, эрталаб соат 6:00 дан бошлаб сайлов участкаларининг гавжумлиги эътиборимни тортди. Айниқса, кекса ёшдаги отахон-онахонлар билан бирга уларнинг фарзандлари, набиралари, хотин-қизлар сайловга байрамона кайфиятда келишгани ҳавасимни келтирди.

**Валерий ЖУКОВ,**
**ТААС ахборот агентлигининг МДҲ ва Болтиқ бўйи мамлакатлари бўйича махсус мухбири:**



— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид кўплаб тадбирларда, шунингдек, сайлов кунида оммавий ахборот воситалари ходими сифатида иштирок этдим ҳамда сайловга тайёргарликнинг бориши, сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб бордим. Йигирмага яқин хабар, репортажларимни Ўзбекистондан агентлигимизга юбориб турдим. Бунда менга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида яратилган шарт-шароитлар жуда ҳам қўл келди. Сайлов кунигача ҳам, сайлов куни ҳам қайси сайлов участкасига бормай, сайлов комиссиялари аъзолари ўз ишлари, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг иш вақти ҳақида очиқ маълумот беришди. Шу билан бирга, сайловда иштирок этган сиёсий партияларнинг рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлишга муваффақ бўлдим. Қолаверса, Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан ўтказилган брифинг, матбуот анжуманларида ҳам ўзимни қизиқтирган барча саволларга жавоб олдим. Сайлов очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтганлиги билан биз, оммавий ахборот воситалари ходимларида илиқ таассурот қолдирди.

«Adolat» мухбири **Саодат СОДИҚОВА** ёзиб олди.

# Онлайн мурожаатлар

## депутатларимизни изланишга чорламоқда

### ➢ Интерактив хизмат

Аввал хабар берганимиздек, мамлакатимиз сиёсий партиялари орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг расмий веб-сайти — **www.adolat.uz**да йўлга қўйилган **"Онлайн депутат"** интерактив хизмати янги услубда иш бошлади.

Сайтга депутатлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилиб, сайловчилар билан виртуал алоқа ўрнатилгач, сайтимиз ўқувчилари сони қарийб икки баравар кўпайди, депутатларимиз номига йўлланаётган электрон мурожаатлар сони ошди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ўзи сайлаган депутатга ишончи мустаҳкамланганини кўрсатмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари асосида депутатларимиз изланиб, у ёки бу муаммони ҳал этишга, сайловчи ишончини оқлашга интилмоқдалар.

"Онлайн депутат" янги кўринишда иш бошлаганидан буён фуқаролардан 30 та мурожаат келиб тушди. Улардан 22 тасига миллий қонунчилигимизда белгиланган муддатларда, тезкор ва муносиб жавоб қайтарилди, 8 та савол депутатларимиз томонидан ўрганилаяпти.

Депутатларга келаётган мурожаатларни қайси соҳага тегишлилиги ва мавзуси жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, улардан бирида Тошкент шаҳридаги "Қўйлиқ" деҳқон бозорида тадбиркорлик билан шуғулланувчи Умида Абдураҳмонова бозор ҳудудида жойлашган дўкони учун тўлаётган патта ҳақи бошқа бозорлардагига қараганда қимматлигидан шикоят қилган. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Абдуллаев кўтарилган масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокими номига депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мурожаатга ўз муносабатини билдириш баробарида «Тошбозорсавдо» уюшмасига хат йўллаган. Мазкур ташкилотдан тўлиқ жавоб тақдим этилиб, савол эгасига жўнатилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Шуҳрат Юсупов кўп қаватли турар жой ертўласида фаолият юритаётган "Гўзаллик салони" аҳолига ноқулайлик келтираётгани, ундан бутун хонадонга тараладиган кимёвий газлар аҳоли соғлиғига дахл қилаётгани, ушбу салон техник ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслигини маълум қилган. Миробод туман Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев кўтарилган масаланинг ижобий ҳал этилишига амалий кўмак сўраб туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан чиқди. Ушбу масала айни пайтда мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда.

Савол берувчилар орасида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасидаги ислоҳотларга муносабат билдираётган нуроний отахон ва онахонлар ҳам бор. Жумладан, 73 ёшли Мақсуд Ҳусановнинг "Маҳалла" телеканали эфирга узатилишига оид саволига Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ойдин Абдуллаева томонидан тегишли жавоб берилди.

86 ёшли Остонахон Шаҳодхўжаева қарияларга коммунал ва транспорт тўловларда имтиёз жорий этилишига оид ўз таклифларини йўллади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Омонулла Ибрагимов ушбу таклифларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш учун белгилаб олди. Кексаларни эъзозлаш йилида яратиладиган имкониятлар ҳақида сўраган Нозима опага Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Дилорам Раҳимжонова Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар асосида батафсил маълумотларни тақдим этди.

29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан сайтимиз ўқувчиларининг сайловга оид мурожаатлари сони анча ошди. Хусусан, депутатларимиз номига фуқаролардан сайловда қатнашиш, овоз бериш жараёнлари, сайловчиларнинг ҳуқуқларига оид саволлар келиб тушди.

"Онлайн депутат" интерактив хизмати фойдаланувчиларини, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган, муҳокамага киритилиши режалаштирилаётган қонун лойиҳалари ҳам қизиқтирмоқда. Ушбу мазмундаги саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан тегишли жавоб қайтарилаяпти. Жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотига оид қонун лойиҳаси билан танишишни истаган Акмал исмли сайтимиз фойдаланувчисига фракциямиз аъзоси Шухрат Полвонов томонидан тегишли жавоб қайтарилди.

Шу билан бирга, интерактив хизматдан фойдаланувчилар томонидан ўтган бир ой ичида кўчаларнинг таъмирлашга оид 2 та шикоят мазмунидаги мурожаат келиб тушди. Биринчи мурожаат Тошкент шаҳрининг Сергели тумани айрим кўчалари ҳақида бўлиб, унга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, айни вақтда Сергели туман ҳокими ўринбосари Дилором Раҳимжонова, Сурхондарё вилояти Денов шаҳри кўчаларининг аҳволидан шикоятга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Даврон Тангиров томонидан масала ўрганилиб, мутасадди ташлилотларга депутатлик сўровлари юборилганлиги хусусида жавоб қайтарилди.

Аҳамиятлиси, сайтимиз ўқувчилари томонидан муайян соҳаларда учраётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар ҳам йўлланаётгани фуқароларимизнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга бефарқ эмасликлари, ўз фуқаролик позициясига, нуқтаи назарига эга эканликларини намоён этмоқда. Буни электрон манзилимизга Даврон исмли фойдаланувчидан санъаткорларга лицензия бериш тартибини такомиллаштиришга оид долзарб ва асосли таклифлар йўлланганлигидан ҳам англаш мумкин. Мазкур таклифлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатимиз, айни пайтда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси лицензия комиссияси аъзоси Ойдин Абдуллаева томонидан қабул қилиниб, ушбу масала юзасидан депутат ўз хулосаларини тақдим этди.

"Онлайн депутат" интерактив хизматига мурожаат қилаётганларнинг ижтимоий таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг турли ёш, жинс ва миллатга мансуб эканликларини кузатиш мумкин. Сайловчилар нафақат ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича, балки бирор иш бошлаш учун депутатдан маслаҳат ва кўрсатма сўраш учун ҳам алоқага чиққанлар. Масалан, хусусий тадбиркорликни бошлаш учун қандай мезонларга амал қилиши кераклиги, банкдан кредит олиш тартиби, бизнес режани рўёбга чиқариш, уйни сотишда нотариус билан ишлаш, пойтахтда доимий рўйхатдан ўтиш каби масалалар юзасидан саволлар келиб тушган. Албатта, ушбу саволларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан муфассал жавоблар қайтарилди.

Бир сўз билан айтганда, "Онлайн депутат" интерактив хизмати янгича услубда ишга туширилганига кўп вақт бўлмаганига қарамай, сайтимиз ўқувчилари орасида оммалашишга улгурди, деб бемалол айта оламиз. Мулоқотнинг ушбу замонавий воситаси сайловчи ва депутат ўртасида кўприк вазифасини бажаришда давом этади.

Ҳурматли юртдошлар, партиямиздан сайланган халқ вакиллари билан интернет тармоғи орқали алоқага чиқиб, савол, таклиф, фикр-мулоҳаза ва муаммоларингизни тақдим этишингиз мумкин. Ҳеч бир мурожаат эътиборимиздан четда қолмайди.

**Дурдона АЛИМОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати мутахассиси, интерактив хизмат координатори

# Экологик экспертиза:
## ютуқлар ва муаммолар

**➢ Депутат минбари**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Экологик ҳуқуқий механизмнинг таркибий қисми ҳисобланган экологик экспертиза атроф-муҳит барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.



Экологик экспертизани амалга ошириш учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни 24, 25 ва 27-моддаларида экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда фан-техниканинг жадал тараққий этиши бир қатор қонунларнинг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаётганлигини кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларига ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг замонавий қоида ва талабларига жавоб бера оладиган қонунларни яратишни давр тақозо этмоқда.

Экологик экспертиза атроф табиий муҳит, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли, зарарли ишлаб чиқариш ва хўжалик объектлари таъсирларининг олдини олиш, бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишда намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, экологик экспертизанинг асосий тамойилларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан экспертиза натижаларининг барча фуқароларга ошкоралигини, экологик экспертиза ўтказишда кенг жамоатчилик фикри инобатга олинишини таъминлаш лозимдир.

Амалиётда кўплаб ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмаган объектлар учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилмоқда. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар олдини олиш керак, албатта.

Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёки унга риоя қилмаган ҳолда объектларни рўёбга чиқариш ҳолларига чек қўйиш, атроф табиий муҳит ҳолатига ва аҳоли саломатлигига бўлиши мумкин бўлган салбий таъсирларни бартараф қилиш бугунги кун талабидир.

Чунки, амалда объектлар буюртмачилари томонидан режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни лойиҳа ва бошқа ҳужжатдан табиий ресурслардан фойдаланиш ёки атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ тарзда четга чиққан ёки унга ўзгартиш киритган ҳолда амалга ошириш, давлат экологик экспертиза хулосасида таъкидланган лойиҳа ечимларини амалга оширишнинг алоҳида шартларини бажарилмаслик ҳолларига йўл қўйилиши, давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олган режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни лойиҳасида кўзда тутилмаган атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш омиллари аниқланиши, давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати ўтган бўлсада, объект лойиҳасини рўёбга чиқариш давом эттирилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Юқоридаги қонун ҳужжатлари талабларидан четга чиқишлар ва экологик талабларни бажармаслик ҳолатларининг олдини олиш учун амалдаги қонунларга тегишли қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш ҳуқуқини бериш лозим. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий экологик муаммоларни ҳал этишда ва жамоатчилик экологик назоратини олиб боришда ўзининг самарасини беради.

Амалдаги қонунчиликда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби аниқ баён этилмаганлиги амалиётда ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия тариқасида экологик экспертиза соҳасида махсус ваколатли давлат органига, тегишли давлат ҳокимияти бошқаруви органига ва экспертиза объекти буюртмачисига тақдим этилиши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишга имконият яратишдан иборатдир. Кўзда тутилган фаолиятнинг экологик оқибатлари хусусидаги табиатни муҳофаза қилиш давлат органининг позицияси жамоатчиликнинг бу масала бўйича позициясидан фарқ қилган ҳолда, жамоат экологик экспертизасининг хулосасига ҳуқуқий мақом беришда қийинчилик туғилади. Жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги аризани маҳаллий давлат ижро ҳокимияти идоралари томонидан ноқонуний рад этиш ҳолларига йўл қўймаслик лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш бу борадаги қонунчилик соҳасини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Даврон ТАНГИРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



# «Адолат ва озодлик дастурингиз бўлсин...»

Давоми. Боши 1-бетда

Шарқда ҳам, ғарбда ҳам тушунарли бўлган демократия умумий талаб ва асосларга эга. Хусусан, фуқаролар розилигига таянган ҳокимиятнинг мавжудлиги, кўпчилик овоз қоидасининг жорий қилиниши, камчилик ҳуқуқларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши, қонун олдида барчанинг тенглиги, адолатли судлов юритиш, ҳукумат фаолиятини қонун асосида олиб бориш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда фикрлар эркинлиги, ҳамкорлик ва ўзаро келишув кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқи ҳам умумбашарий қадрият — демократияни юксак эъзозлаб, уни тан олиб, ўз мустақил давлатининг Асосий Қонунида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир" деган қоидага асосланиб, ўз миллий давлатчилигини тикламоқда ва демократик, инсонпарвар, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этмоқда.

Ҳозирги замон шарқона демократияси маънавий пойдеворининг яратилишида Соҳибқирон Амир Темур ва унинг марказлашган давлати тажрибалари муҳим ўрин тутмоқда. Амир Темур ўз фаолиятининг дастлабки даврида барча ҳаракатини, фикри-зикрини Мовароуннаҳрда тушкунликка, ҳалокатга юз тутган Чиғатой улуси ўрнига бирлашган, кучли, марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди.

Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни ўз қўлига олгач, давлатни бошқариш шакли сифатида шарқона халқ ҳокимиятчилигига асосланган аралаш шаклни танлади. Шу боис унинг дастлабки тадбирларидан бири мунтазам режали равишда қурултойлар ўтказиш бўлди. Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида Амир Темур фуқароларнинг розилигини олиш мақсадида Қарши, Қорабоғ, Самарқанд ва бошқа жойларда ўтказган қурултойлар ҳақида маълумот бериб, уларда халқнинг кенг қатламидан вакиллар иштирок этганини ёзади.

Амир Темурнинг фазилатларидан бири шунда эдики, у бирор муаммони ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарорлар қабул қилар эди. Амир Темур давлатида олимларнинг фикрларини билиш ва улардан маслаҳатлар олиш ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўлган. Одатда, Соҳибқирон кишиларга руҳий таъсир эта оладиган олимлар билан, фиқҳ илми соҳасида билимдонлар билан, тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари пешволари билан шахсий суҳбатлар ўтказар эди. "Зафарнома"да қайд қилинишича, бу суҳбатларда давлат ҳаётининг муҳим масалалари тўғрисида Мовароуннаҳрдан ташқари Олтин ҳамда Оқ Ўрдалар, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Туркия, шунингдек, бутун Мағрибни ўз ичига олган давлатларга оид ишлар, уларнинг тажрибалари ҳақида сўз борар эди.

Амир Темур давлати қонунларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, агар давлат фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилса, бунга жавобан фуқаролар ҳам давлатга нисбатан садоқатли бўлади.

Соҳибқирон барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳоким адолат томонида туришини қаттиқ талаб қилган. У қашшоқликни тугатиш мақсадида умумий бошпаналар ташкил қилган ва камбағалларга нафақа бериб турган.

Амир Темурнинг фикрича, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади, фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва қонунларга садоқат билан бўйсунади. Бу бутун давлат миқёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикни ҳамда фаровонликни таъминлаш асосини ташкил этади.

Амир Темур ўз салтанатини бошқаришда бугунги тушунчалар билан ифодалаганимизда, демократиянинг муҳим шарти бўлган одил судлов юритишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. *"Лашкарлар учун махсус қозий ва раият учун алоҳида қозий тайинладим, ҳар мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин"*, деб таъкидлайди у ўз "Тузук"ларида.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Амир Темур тузукларини таҳлил қилар эканмиз, унинг адолатли сиёсати асосида инсон ҳуқуқи, унинг ҳаёти, фароғати, мамлакат ободончилиги ётади. Ҳар бир фуқаро қадр-қимматини назарда тутади ва эътиборга олади. "Темур тузуклари"да ёзилишича, ҳеч ким жамиятда ўзини хўрланган ва ҳақоратланган деб сезмайди: *"... Агар сипоҳийлар тоифасидан бўлсалар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-аҳволига яраша иш тутсинлар. Агар ҳунар-санъат ва маърифат аҳлларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, билагида кучи бор фақир-мискинлар эса, ўз аҳволи ва касб-корига қараб иш тутсинлар. Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин, деб амр қилдим. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фақир бир одамнинг уйиморати бузилди, тузатишга қудрати етмаса, керакли ускуналарни етказиб, унга ёрдам берилсин..."*

Амир Темур ўз фарзандларига давлатни идора қилишда қўлланма бўлсин деб ёзган битикларида шаҳзодалар учун, ҳар қандай инсофли, диёнатли инсон учун ибрат бўладиган қимматли фикрлар баён қилинганлигини ўқиганимизда унинг ақл-заковатига қойил қоламиз. У фарзандларига миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун "бирлашиб, якдил бўлиб ҳаракат қилишни, валиаҳд ва тахт вориси Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг эса, тамкинлик ва истиқлол билан мулку-миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим юмушлари билан машғул" бўлишини тайинлайди. Буюк Соҳибқирон она Ватан ва миллати ҳақида қайғуриб, ўз фарзандларига "миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир", деб уқтиради. "Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин", дейди.

Мухтасар айтганда, Амир Темур ўзининг давлатни идора қилиш сиёсатида қатъий тамойиллар ҳамда адолатли меъёрларига амал қилган.

**Мирбаҳодир БАДАЛОВ,**
юридик фанлар доктори, профессор,
**Мирислом БАДАЛОВ,**
тадқиқотчи

# СЎРОВЛАР
## ижобий ҳал этилмоқда

**➢ Депутатлик гуруҳларида**

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти янгича шаклланиб, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир вазифаларни амалга оширишида партиямизнинг таъсири, роли кучайишига эришилмоқда.



Социал-демократия ғояларини миллий қадриятларимиз билан уйғунликда тарғиб этаётган партиямиз ҳам парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги ўз вакиллари орқали кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳокимият вакиллик органларига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган барча депутатлар партиянинг дастурий ғоя ва мақсадлари ҳамда Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишда муайян натижаларга эришмоқдалар.

— Аввало, айни пайтда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашида 5 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 51 нафар депутат фаолият юритаётгани, бу аввалги сайловларга нисбатан ўсиш суръати билан фарқ қилишини таъкидлаш жоиз, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Д.Ҳамдамова. — Хусусан, депутатлик гуруҳимизда 7 нафар аъзо фаолият олиб бормоқда. Депутатлик гуруҳимизнинг 2015 йил февраль ойидаги йиғилишида тасдиқланган йиллик иш режаларимиз амалиётга изчил йўналтирилаяпти. Шу билан бирга, гуруҳимизнинг 3 нафар аъзоси халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг учта йўналишдаги доимий комиссиялари раиси сифатида ўз сиёсий профессионал маҳоратларини намоён қилишмоқда.

Йил бошиданоқ ҳар бир депутатимиз ўз округида фуқаролар учун қабул кунларини аниқ белгилашди ва бу ҳақида маҳалла фуқаролар йиғини биносида зарур маълумотлар лавҳаларда ёзиб қўйилган. Шунингдек, ҳар ойнинг охирги жума ва шанба кунларида депутатлар сайловчилар билан учрашадилар.

Жорий йилнинг I чорагида уларга 5 та оғзаки, 3 та ёзма мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатлар асосан ўз ҳудудларидаги муаммоларни акс эттиради. Аниқроқ қилиб айтганда, кўп қаватли уйлар атрофидаги тунги чироқларни ўрнатиш, болалар майдончалари ва спорт майдончаларини ташкил этиш, якка-ёлғиз қарияларга ёрдам кўрсатиш каби масалаларни ўз ичига олади. Фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида мутасадди ташкилотларга 4 та депутатлик сўрови киритилди. Бухоро шаҳар "Ободонлаштириш" бошқармасининг "Ташқи ёритиш", "Ниҳол ва мевачилик" бўлимларига киритилган депутатлик сўровларимиз ижобий ҳал бўлмоқда.

Аҳоли билан ҳамнафас ишлашга интилаётган депутатларимиз маҳаллалардаги байрам тадбирлари уюштирилишида ҳисса қўшишни ҳам назардан четда қолдиришмайди. Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган учрашувлар ва байрам тадбирларида ўз округлари ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кексаларни совғалар билан хушнуд қилишди. Депутат М.Рўзиев кам таъминланган ва ногирон, якка-ёлғиз қариялари бор хонадонларга бориб, ҳомийлар кўмагида уларга 1 000 000 сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар тарқатди.

Депутатлик гуруҳимиз айни пайтда маҳаллий Кенгашнинг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари доимий комиссияси йиғилишига кўп қаватли уйлар ёнидаги болалар спорт майдончаларини таъмирлаш тўғрисидаги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқувчиларига уч йиллик бепул мажбурий таълим олиш ҳуқуқидан самарали фойдаланишлари мақсадида уларга жамоат транспорт воситаларидан бепул фойдаланиш имкониятини яратиб бериш тўғрисидаги масалаларни тайёрлаб, киритишни режалаштирмоқда.

Шунингдек, Кексаларни эъзозлаш йилида ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган авлодлар учрашувлари мавзусида ўқув муассасаларида ўтказилаётган тадбирларда депутатларимиз фаол қатнашмоқдалар. Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда депутат А.Сулаймонов ёшлар билан самимий фикрлашди, асрлар синовидан ўтган маънавий қадриятларимиз навқирон авлоднинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тўғри шаклланишига ҳам таъсир қилиши ҳақидаги мулоҳазалари барчанинг эътиборини жалб этганини ҳам айтиш жоиз.

Депутатлар ўз сайлов округи қамраб олган ҳудудлар манфаати билан бирга партия манфаатларини амалга оширишда фаоллик кўрсатишлари долзарб аҳамият касб этади. Сиёсий партия номидан давлат ҳокимияти вакиллик органига сайланган депутатнинг самарали фаолият юритишида партия ташкилоти билан яқин алоқада бўлиш ҳам ижобий ўрин тутади. Шу боис сиёсий партия ўз депутатлари билан ишлашга жиддий масъулият билан ёндашади. Бу хусусият партия депутатлик гуруҳларининг янги иш тажрибаларида яққол акс этаётгани биз учун айни муддаодир.

**Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат"СДП Бухоро вилояти кенгаши матбуот котиби

## Тадбиркорга эркинлик ишчи кучи яратилишига хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ҳам айнан шу масала, яъни мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда бу борада вазирликнинг ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Иқтисодиёт вазирлиги мақсадли дастурларда белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини мониторинг қилиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида лойиҳалар таҳлилини юритиб, уларнинг ечими юзасидан чоралар кўради, муқаддам ташкил этилган иш ўринларининг ёпилиши(қисқариши)ни мониторинг қилади ва сабабларини ўрганади.

— Вазирлик тизимидаги идоралар вакиллари меҳнат ресурслари улуши юқори бўлган туманларда ташкил этилаётган иш ўринларининг таҳлилини олиб боради ва келгусида меҳнат бозоридаги талаб ҳамда таклифни мувозанатда ушлаб туриш учун тегишли чораларни кўради, зарур тавсияларини бериб боради, — деди *Иқтисодиёт вазирлиги демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Зафар Шарипов.*

Тадбирда эътироф этилганидек, аҳолининг бандлик даражасини мувофиқлаштиришда иш берувчи давлат ташкилотлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини муносиб рағбатлантириш механизмлари муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Матбуот анжумани якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлишди.

**Бобур ТУНГАТОВ,**
«Adolat» мухбири

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

## ЁШЛАР фаоллик кўрсатишди

Жорий йилнинг 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямиз сафидаги ёшлар ҳам фаол иштирок этди. Андижон вилояти партия кенгаши ташаббуси билан тузилган фаол йигит-қизлардан иборат "Ёш сиёсатчилар" гуруҳи аъзолари сайлов участкаларида бўлиб, сайлов жараёнининг бориши билан танишдилар.



Шу куни вилоятда 130 нафар ёш "адолатчи"лар илк бор овоз берди. Сайловолди тарғибот тадбирларининг самарали ташкил этилгани, Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан учрашувларда етарли маълумот ва ахборотларга эга бўлганлиги уларнинг фаоллигини оширди.

— Ота-онам билан 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловда қизиқиш билан сайлов участкасига чиққан эдим. Бугун ўзим ҳам овоз бериш ёшига етиб, сайловда иштирок этмокдаман. Бу зиммамга катта масъулият юклашини тушуниб етдим. Чунки менинг овозим Ўзбекистоннинг эртанги куни билан боғлиқ, — дейди Андижон туманидаги 762-сайлов участкасида овоз бериб чиқаётган Гулаъзам Мамадалиева қувонч билан.

Бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён қилган ёшлар тинчлик учун, мустақил Ватанимизнинг равнақи учун овоз бердилар.

**А.НАЗАРОВ,**
«Adolat» мухбири

## Ташаббускорлик ва масъулиятни мезон билган фаоллар

**➢ БПТ — партия таянчи**

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий режаларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.





Соғлиқни сақлаш муассасалари қошидаги бошланғич партия ташкилотлари ҳамда шу соҳа ходимларидан иборат партия фаоллари ташаббуси билан аҳоли ўртасида ташкил этилаётган турли тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар дастурий вазифаларимизнинг амалиётда ўз ифодасини топишига хизмат қилмоқда.

Чиноз тумани "Кўтарма" ҚФЙ ҳудудидаги қишлоқ врачлик пункти қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон «Адолат» СДП Чиноз тумани кенгашининг энг фаол қуйи ташкилотларидан биридир.

Биз сўз юритмоқчи бўлган қуйи бўғинда маслакдошларимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари сари дадил интилмоқдалар. Бу ерда партиявий ишлар аниқ режа асосида ўз вақтида амалга оширилади. 2012 йилда ташкил этилган БПТда шу қисқа вақт ичида партиямизнинг мақсад-вазифалари, ғоялари тарғиботига бағишланган тадбирларнинг самарадорлиги юқори бўлаётгани эътиборга молик.

ҚВП бош шифокори, БПТ раиси Муҳаббат Мўминованинг ташкилотчилик қобилияти, етакчилик салоҳияти, фаолларимиз фидойилиги туфайли ҳудудда хайрихоҳларимиз сони ортиб бормоқда. М.Мўминовани одамлар кўнглига йўл топиб ишлашнинг ҳадисини олган шифокорлардан бири, дейишади чинозликлар. Муҳаббат опа кўп йиллик меҳнат тажрибасидан келиб чиққан ҳолда БПТ аъзоларининг ҳар бирига индивидуал ёндашиб, ишни тўғри ташкил этишга ҳаракат қилади. У асосий эътиборни ўзи раҳбарлик қилаётган қуйи бўғин фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси ўз вақтида бажарилишига қаратади.

— Ҳозирги кунда бошланғич ташкилотимиз 30 нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган, — дейди М.Мўминова биз билан суҳбатда. — Биз аъзоларимизнинг фаоллигини, касбий-партиявий малакасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Чунки аъзолар қанчалик фаол, партия позицияси, мақсадларининг туб моҳиятини қанчалик чуқур англаган бўлса, ишимизда ҳам янада ривожланиш бўлади. Ўтказаётган тадбирларимизда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, партиянинг аҳоли кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш борасида амалга ошираётган ишлари юзасидан фикр алмашиб, тавсиялар ишлаб чиқаяпмиз.

БПТ аъзоларининг аксариятини хотин-қизлар ташкил қилаётганлиги аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида «Адолат» СДП илгари сураётган ғояларни кенг тарғиб этишда ижобий ўрин тутмоқда. Энг аввало, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш мақсадида мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳар ойнинг сўнгги шанбасида интерактив тарзда давра суҳбатлари ташкил этилаётгани ўз ижобий самарасини бераяпти.

— Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлаётганимда партиянинг мақсад ва вазифалари, ғоялари билан танишиб, касбий фаолиятимга, энг муҳими, дунёқарашимга тўла мос келишини англаган эдим, — дейди ҳамшира, БПТ қошидаги хотин-қизлар қўмитаси раиси Замира Илёсова. — Ўтган вақт давомида партияга аъзо бўлиб тўғри йўл тутганимни чуқур ҳис қилдим. Айни пайтда касбий фаолиятим билан бир қаторда ўзимнинг сиёсий билимларимни кенгайтиришга, партиямизнинг аёллар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий вазифалар ижросида фаол қатнашишга ҳаракат қиляпман.

Қуйи бўғин фаоллари «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиқиб, қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом ўсишлари учун бор куч-ғайратларини сафарбар этишган. Мазкур ҚФЙда кам таъминланган оилаларни ва кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан бепул ўтказиш йўлга қўйилган. Айниқса, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг изчиллик билан амалга оширилиши мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштирди.

— Шу эзгу мақсадда қатор тадбирларни ташкил этиб келмоқдамиз, — дейди БПТ фаоли Гулчеҳра Абдуллаева. — Жумладан, "Эл саломатлиги — юрт бойлиги", "Соғлом она — соғлом бола", "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари", "Оилада гигиена қоидалари", "Ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олиш" каби қатор мавзулардаги учрашув ва юзма-юз мулоқотларга ота-оналар, ёшлар кенг жалб этилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг фаоллиги, кенг жамоатчилик орасига кириб бораётгани натижасида аҳолининг тиббий саводхонлиги, маданияти муттасил ортиб бормоқда. Эндиликда фуқаролар тиббий кўрикнинг ҳаётий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда бундай тадбирда ўз вақтида қатнашишга ҳаракат қилишмоқда.

"Кўтарма" ҚФЙдаги минг нафардан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келаётган қишлоқ врачлик пункти фаолиятида партиямиз аъзоларининг ҳиссаси катта эканлиги қувонарлидир. Бу ерда Мунира Нолтоева, Замира Илёсова, Гулжамол Умрзоқова каби тиббиёт ходимларидан иборат БПТ фаолларининг ғайрат-шижоатлари туфайли тиббий-профилактик ишлар талаб даражасида йўлга қўйилган. Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий маслаҳат бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

**Сарвиноз ҲАМРОЕВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши матбуот котиби

## Дастур ижросини таъминлашда

### БПТлар масъулияти ошмоқда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Элликқалъа туман кенгаши томонидан «Партиянинг Сайловолди дастури тарғиботида БПТлар иштироки» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Жойларда партия мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш ва Сайловолди дастуримизнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда БПТлар масъулиятини ошириш, электорат муаммоларини ўрганишда БПТлар иштирокини кучайтириш мақсадига қаратилган мазкур тадбирда партия фаоллари, БПТ раислари қатнашди.

"Адолат" СДП Элликқалъа туман кенгаши раиси З.Матякупов ўз сўзида БПТ аъзолари ва раисларининг белгиланган вазифалари, "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда ҳамда электоратни ўйлантираётган масалалар юзасидан туман партия кенгаши билан ҳамжиҳатликда амалга ошириш лозим бўлган муҳим ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгаши депутати Б.Дурдиев Сайловолди дастурда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда БПТлар билан ННТлар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатларининг аҳамияти, жумладан, меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда касаба уюшмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни катта эканлигини таъкидлади.

Тадбирда иштирокчилардан туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ раиси Р.Зарипов, Сарабий ОФЙ йиғини раиси Б.Аминов, 2-интенсив терапия бўлими мудири, партия фаоли ва шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси К.Ходжиевлар сўзга чиқиб, ибратли иш тажрибалари ҳақида сўз юритдилар. Шу билан бирга, кенг жамоатчилик ўртасида партия фаолиятига бўлган қизиқиш ва ишончнинг тобора ортишида партия юқори органлари билан БПТлар ўртасидаги мустаҳкам алоқалар катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратдилар.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

## "Мен, албатта, жаҳон чемпиони бўламан, деб ваъда берган эдим"

Давоми. Боши 1-бетда

Жорий йилнинг 9-22 март кунлари Таиланд давлатининг Бангкок шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 50 дан ортиқ мамлакат спортчилари иштирок этди. Ушбу халқаро мусобақада Сирдарё вилоятидан жами 7 нафар таэквондочи татамига чиқди. Муросасиз кечган баҳсларда улардан олти нафари олтин медаллар шодасини қўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд кўтардилар. Қувонарлиси, улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлимининг энг фаол аъзоларидан бири Дилбархон Холжигитова ҳам бор. Ёш партиядошимиз мусобақанинг якка ҳамда жамоавий баҳсларида 2 та олтин медалга сазовор бўлиб қайтди. Биз Д.Холжигитова билан халқаро мусобақа таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.



***— Спортчи учун энг муҳими — ўзига ишонч, куч ва маҳорат, дейишади. Буларнинг барчасини ўзида мужассам эта олиш нималарга боғлиқ?***

— Бугун мамлакатимизда биз ёшларга, айниқса, қизлар спортига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбек қизларининг қандай кучга эга эканликларини, жаҳон ареналарида марраларга дадил интилаётганини кўриб беҳад фахр ҳиссини туяман. Мен ҳам бугун Ўзбекистоннинг энг бахтли қизларидан бириман, деб қувонч ва ўзимга ишонч билан баралла айта оламан.

Болалигимдан спортга жуда қизиққанман, спортнинг таэквондо ИТФ турига ўзгача меҳр қўйдим.

Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида татамида 3 давлат вакиллари, яъни Ҳиндистон, Непал ва Шри-Ланка давлатларидан келган спортчи қизлар билан жанг қилдим ва айнан сўнгги дақиқаларда шри-ланкалик рақибимни 2 очко фарқ билан ютдим. Шоҳсупанинг юқори поғонасига чиқаётганимда "1-ўрин, Холжигитова Дилбархон, Ўзбекистон!" деб эълон қилинди ва юртимиз байроғи энг юқорига кўтарилди. Шундай қувончли онларда мен ўзбек қизи эканимдан юрак-юрагимдан янада фахрландим, Юртбошимизнинг, устозларим, ота-онамнинг ишончларини оқлай олганимдан кўзларимга ёш келди. Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғидаги учрашувда "Мен, албатта, жаҳон чемпиони бўламан" деб ваъда берган эдим. Мана шу ваъдани адо этиш иштиёқи курашнинг сўнгги дақиқаларида ҳам менга куч бағишлади.

***— Дилбархон, ҳозирги кунга қадар спортда эришган ютуқларингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

— Ўтган вақт мобайнида таэквондо ИТФ спорт тури бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони, 2 карра Осиё чемпиони, "1-дан" қора белбоғ соҳибасиман ва 50 дан ортиқ медалларни қўлга киритдим, бу галги чемпионатда 2 карра жаҳон чемпиони бўлдим. Юртимизга чексиз меҳр-муҳаббат билан қилган камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, 2014 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим ва ҳозирги кунда 1-босқич талабасиман ва, албатта, аъло баҳоларга ўқишга ҳам интиляпман.

***— Спортдан ташқари яна нималар билан бандсиз?***

— Яқиндагина биринчи илмий мақолам чоп этилди. Хорижий тилларни чуқурроқ ўрганишга иштиёқим баланд, бу борада устозларим яқиндан ёрдам беришаяпти. Келгусида ўзбек ва инглиз тилларининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий тадқиқот билан шуғулланиш ниятидаман.

***— Эндигина 19 ёшга кирдингиз. Шу ёшда бундай катта ютуқларга эришишда кимларнинг ҳиссалари бор, деб ўйлайсиз?***

— Аввало, кўплаб ёшларнинг катта муваффақиятларни қўлга киритаётгани бизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайлидир. Шу билан бирга, мени қўллаб-қувватловчи инсонлар, ўзимнинг яқинларим бор. Ота-онам ҳар доим мени қўллашган. Спорт тўгарагига ҳам илк бор ўзлари қўлимдан етаклаб олиб боришган, спорт билан шуғулланишим учун имконият яратиб берганлар. Устозларим — Осиё чемпионлари Кон Евгений, Азиза Каримқуловалар менга спортда маҳорат сирларини астойдил ўргатишди. Шунингдек, халқ таълими аълочиси Баҳорой опа Ризахўжаева ўз сабоқлари билан илм-фанга бўлган меҳримни ҳам янада оширди.

Яна таъкидлашим керакки, бундай муваффақиятларга эришишимда айнан бизнинг партия — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ҳам ўрни бор. 18 ёшга тўлиб, партияга аъзо бўлиш истагида илк бор келганимда мени очиқ чеҳра билан кутиб олишган. Ҳозирги кунда вилоят партия ташкилотининг жойларда ташкил этилаётган сиёсий, маданий-маърифий тадбирларида мунтазам иштирок этиб келаман. Вилоят партия кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлимининг ёшларга оид турли мавзулардаги лойиҳалари ва акцияларида тенгдошларим қатори фаол қатнашаяпман.

***— Қизиқарли суҳбатингиз учун катта раҳмат. Спортда ҳам, билимда ҳам янада юқори чўққиларни эгаллашингиз тилакдошимиз.***

Суҳбатдош:
**Азизхон ЭШОНХОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари

# Жаҳонга юз тутган мамлакат ёшлари

## чет тилларини мукаммал билиши зарур

Давоми. Боши 1-бетда

Яқиндагина 5 ёшни қаршилаган Самира яна бир янги қўшиқни ёдлаб олибди. Қандай қўшиқ дейсизми? Эй, би, си, ди, и, эф, жи...(A, B, C, D, E, F ,G) ва шу аснода яна 20 га яқин мусиқий оҳангга солинган инглиз алифбосини хиргойи қиладиган бўлибди. Аввалига, очиғи, ажабландим, буни у қаердан, кимдан ўрганди деб? Суриштиргач, 2-синфда ўқийдиган катта қизим Нодирабегим синглисига нафақат чет тилидаги алифбони, балки ушбу тилдаги кичик-кичик шеърларни ҳам ўргатганини билдим ва ўз-ўзидан кўзимда қувонч ёшлари пайдо бўлди. Таърифлашга муносиб сўз топилмаётган бундай ҳолат, ҳис-туйғу мен сингари ўтган ўқув йилида 530 мингдан ортиқ фарзандини 1-синфга кузатган миллионлаб ота-она, бобо-бувиларда ҳам кузатилган бўлса ажабмас.

Хўш, ушбу хайрли ишни бошлаш халқ таълими тизимидаги мутахассисларга, фан ўқитувчиларига, энг муҳими, хорижий тилларни ўзлаштириш болажонларимизга мураккаблик қилмаяптими? Жойлардаги мактабларда мутахассис ёки зарур моддий-техник база билан таъминланиш қандай ҳал этилмоқда? Бу каби чора-тадбирларнинг самараси бўйича мониторинг юритиладими? Шу ва шу сингари саволлар билан соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

**Абдураҳим НОСИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи:**

— Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида узлуксиз таълим тизими учун чет тилларини ўргатишда умумевропа талабларига (CEFR) асосланган янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Ушбу стандартга асосан бошланғич синфларда (1-4 синфларда) ҳафтасига икки соат чет тилини ўқитишни назарда тутган янги ўқув-режа тасдиқланди ва амалиётга татбиқ этилди. Ушбу ўқув-режага мувофиқ, 4-синф битирувчилари A1, яъни чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражасини эгаллаши белгиланди. Бу дегани, 4-синфни тамомлаётган ўқувчи чет тилидаги содда савол ва гапларни, шеър ва ҳикояларни тушуниши, маълумот сўрай олиши, ўз яшаш жойи, оиласи ҳақида 500 та лексик бирликлар доирасида мустақил гапириши, ёзиши ва мутолаа қила олиши кўзда тутилган.

Чет тили фани дарсликлари ва ўқув-режаси шундай ишлаб чиқилганки, унда боланинг ёши, руҳий ва жисмоний ҳолати, қизиқиши ҳам инобатга олинган. Яъни дарслар қизиқарли тарзда, интерфаол услубда, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида, ранг-баранг анимацион видеоролик ва қўшиқлар билан ўтилади. Бундай замонавий ёндашув ўқитувчининг дарс ўтишига ҳам, ўқувчининг ўзлаштириш даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида 1-2-синфлар учун ўқувчи китоби, ўқитувчи учун методик қўлланма, машқ дафтари ва мультимедиа иловалар (DVD-диск)дан иборат инглиз тилидан («Kid's English»), немис тилидан («Deutsch macht spab») ва француз тилидан («Hirondelle») дарслик мажмуалари фойдаланилмоқда. Ушбу мажмуалар нашрга тавсия этилишидан олдин унинг намунавий ишланмалари вазирликнинг таълим порталига жойлаштирилиб, муҳокамадан ўтказилди. Бундан ташқари, ушбу дарслик мажмуалари вазирликнинг махсус буйруғи асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда белгиланган таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказилиб, амалиётдаги ўқитувчиларнинг таклифлари ҳамда халқаро экспертлар фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилди.

Умумтаълим мактабларида 1-синфдан бошлаб чет тилининг ҳафтасига 2 соатдан ўқитилиши 2013-2014 ўқув йилида 3970 ставка, ушбу ўқув йилида 2915 ставка ва келаси ўқув йилида ҳам 2500 ставкага яқин чет тили ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Юртимизда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг 18 тасида чет тили йўналишлари мавжуд бўлиб, кадрларга бўлган бундай эҳтиёж ушбу муассасаларнинг битирувчиларини ишга қабул қилиш ва амалдаги ўқитувчиларнинг педагогик юкламасини ошириш ҳамда маълум қисм турдош фан ўқитувчиларини инглиз тилига қайта тайёрлаш ҳисобидан қопланмоқда. Шунингдек, ҳудудларнинг ушбу фан ўқитувчисига бўлган талаби ўрганилиб, олий таълим муассасаларининг чет тили йўналишида кадрларга энг кўп эҳтиёж сезаётган ҳудудлардан ҳужжат топширган ёшларимиз учун қўшимча равишда тўлов контракт асосида имтиёзли талабаликка қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, жорий ўқув йилида мана шундай имтиёзга эга бўлган талабалар сони 200 нафарни ташкил қилди.

Умуман олганда, ҳудудларда ушбу ислоҳотни амалга оширишга камарбаста педагоглар, кадрларни жалб қилиш, жойларда ёшларнинг чет




Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Суратда:** Наманган шаҳридаги 6-ихтисослашган умумтаълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси, 2014 йилда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови ғолиби Гулшана Маҳмудова шогирдлари билан.

тили фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритишига оид иштиёқини ошириш, уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида чет тили ўқитувчиларининг ойлик тариф ставкаларига, хусусан, қишлоқ жойлардаги таълим муассасалари ўқитувчиларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларидаги чет тили ўқитувчиларига 15 фоиз миқдорида қўшимчалар тўлаш механизми жорий этилди.

Ўқитувчиларнинг кўникма ва малакалари ҳолатини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби жорий этилди. Инглиз тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш курсларига билим даражаси энг камида B1 даражадаги талаблар асосида тингловчилар қабул қилиниши йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим янгиликка тўхталсак. 2015 йилдан бошлаб, амалдаги малака ошириш тизимига қўшимча равишда, барча туманларда ўқитувчиларнинг ўз ҳудудларида ҳафтада бир марта узлуксиз малака ошириш курслари йўлга қўйилди. Доимий ишлайдиган мазкур курсларга бир йилда 20 000 нафар ўқитувчи қамраб олиниши кўзда тутилган. Бу борада биринчи қадам қўйилди, яъни жорий йилнинг 26 январидан 7 февралига қадар А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда тренер-ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича мақсадли курслар ташкил этилди.

Ушбу курсларга Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар бошқармалари томонидан ҳар бир таянч мактабига етиб бориш масофасини ҳисобга олган ҳолда туман(шаҳар)даги ўқитувчилар сонидан келиб чиқиб, 30 нафар ўқитувчилардан иборат гуруҳлар шакллантирилди ҳамда мазкур таянч мактаблари ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланди. Мазкур таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида "Маҳорат мактаблари" фаолияти йўлга қўйилди.

**Инобат МАТНИЁЗОВА, Республика таълим маркази хорижий тиллар бўлими бошлиғи:**

— Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 18 октябрдаги "Чет тиллари ўқитилишининг доимий мониторингини олиб бориш тўғрисида"ги буйруғи асосида республика бўйича 5 та ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган вилоятлари) да 2 тадан мактабда чет тиллари ўқитилиши ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш ва амалий ёрдам бериш мақсадида ишчи гуруҳ таркиби ва ўрганиш муддатлари белгилаб олинди. Жорий йилда 2-синфларда инглиз тилининг ўқитилиши, ўқувчилар билими, яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш аҳволи, ўқувчилар ўзлаштириши, ўқитувчилар дарс ўтиши, дарс самарадорлиги ўрганилиб борилмоқда.

Чет тили дарслик мажмуаларини мазмунан янада бойитиш йўлида мунтазам равишда изланиш олиб бормоқдамиз. Хусусан, жорий ўқув йилида 1-синф инглиз тили дарслиги билан биргаликда чоп этилган 16 бетлик "Ота-оналар учун тавсиялар" ўқувчи дарслигининг ўзига сингдириладиган бўлди.

Чет тилларни ўқитиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитиш усуллари қўлланишига боғлиқ. Шу асосда халқаро стандартларга жавоб берувчи таълим сифатини таъминлаш мақсадида янги давлат таълим стандартларида кўрсатилган талаблар асосида амалдаги дарслик мажмуаларга қатор ўзгаришлар киритилди. Муаллифлар томонидан 5-6-8-9-синфлар ўқитувчилари учун методика китоблари янги дастур асосида содда ва тушунарли тарзда қайта яратилди.

2014-2015 ўқув йили учун 5-6 ва 8-9-синфлар ўқитувчилари учун методик қўлланмалар ва аудиодисклар илгари нашр этилганларидан дарсликлар методикаси, концепциясининг кенгроқ ёритиб берилганлиги билан фарқ қилади. Шунингдек, асосий қисмда эса дарсликларда берилган машқларни тўғри бажариш юзасидан тавсияларнинг тўлиқроқ берилгани, маълумотларнинг янгиланганлиги, қайта ишланганлиги, дастурий ўзгаришлар инобатга олинганлиги билан аҳамиятлидир.

Маълумки, бугунги кунда тил ўрганишда тинглаб тушуниш, эшитиб ўрганиш каби нутқ фаолияти турлари бевосита аудиоматериаллардан, компьютер ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи китоби охирида аудиодиск илова қилинган. Илк маротаба Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази мутахассислари ва муаллифлар билан биргаликда ўқувчилар учун инглиз, немис ва француз тилларда аудиодисклар яратилди. Ушбу аудиодисклар ўқитишнинг коммуникатив ёндашуви талабларига кўра дарс жараёнини янада самарали ташкил этишга, ўқувчиларнинг чет тилларни юқорироқ савияда ўрганишига хизмат қилади.

2014-2015 ўқув йилида 5-, 6-, 8-, 9-синф чет тили ўқитувчилари учун 89 772 нусхада методик қўлланмалар аудиодисклари билан жойларга етказиб берилди.

Айни кунларда 3-синфлар учун чет тилларидан яратилган дарслик мажмуаларининг лойиҳа нусхаси асосида инглиз тилидан 76 та, немис тилидан 28 та ва француз тилидан 28 та тажриба-синов мактабларида, шунингдек, ХТВ тасарруфидаги 5 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида тажриба-синов дарслари ўтказилмоқда. Ушбу тажриба-синов натижаларини сарҳисоб қилиш мақсадида Республика таълим марказига ҳар икки ҳафтада мактаб экспрементатор ўқитувчилари, вилоят халқ таълими методика маркази чет тили мутахассислари томонидан берилган хулосалар Республика таълим маркази хорижий тиллар бўлимига тақдим этилмоқда, жойлардан олинган хулосалар ўз навбатида методистлар томонидан умумлаштирилиб, тегишли ўзгартиш киритиш мақсадида муаллифлар ҳамда нашриётларга ўрнатилган тартибда тақдим этилмоқда. Дарслик мажмуаларини мазмунан такомиллаштиришда нафақат тегишли давлат идоралари мутахассислари, балки хорижлик экспертларнинг кўмагини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, Буюк Британиянинг бошланғич таълим соҳасидаги экспертларидан бири Венди Арнольд, ЎзДЖТУ китоб методологияси лойиҳаси директори Байрон Бревертон, Гёте институти ўқитувчилари, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси тил ва таълим ҳамкорлиги аташеси Фредерик Вийом ҳамда инглиз тили ўқитувчилар уюшмаси мутахассислари билан биргаликда ўтказилаётган ўқув-амалий семинарлар, уларнинг тақризлари дарслик мажмуани янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Чет тилларни мактабдан ташқари вақтда ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида "Баркамол авлод" болалар марказларида ҳамда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари — 2-3-4-синфлар учун чет (инглиз, немис ва француз) тиллари бўйича тўгарак машғулотларини ташкил этиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва шу аснода ҳафтасига 2 соатдан чет тили тўгарак машғулотларини олиб бориш йўлга қўйилди.

> Соҳа мутахассислари билан суҳбатлашар эканмиз, бугун чет тилларини ўрганишни истаган ҳар бир ўқувчи учун етарлича шарт-шароит яратилганига яна бир бор амин бўлдик. Фарзандларимиз чет тилни янада яхши ўзлаштириши учун эса биз, катталардан фақатгина эътибор, хоҳиш, қунт ва ирода талаб этилади, холос, деган хулосага келади, киши.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

---

➢ **"Адолат"нинг адолатли аёллари**

# МЕҲР ТАФТИ

Асакалик хотин-қизлар ҳақида сўз борганда Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгаши фаолларидан бири — тадбиркор Маҳпиратхон Ўрозованинг номини ҳам алоҳида тилга оладилар. Негаки, у кўп йиллардан буён ташкилотчилиги ва фаоллиги билан эл ҳурматини қозонган.

Бозор ёки озиқ-овқат дўконларига кирсангиз, сизга дарҳол М.Ўрозова раҳбарлигидаги "Файзли нон" масъулияти чекланган жамиятининг сифатли нон маҳсулотларини таклиф қилишади. Бу бежиз эмас. Чунки, "Файзли нон" МЧЖ новвойлари томонидан тайёрланаётган мазали ва арзон баҳодаги нон, булочка, батон, қуритилган нон ва патирлар барчага манзур бўлмоқда.

Мазкур корхона ўз фаолиятини 2000 йилда бошлаган эди. Дастлаб 12 нафар чевар қиз билан болалар кийимларини тикиш йўлга қўйилди. Орадан тўрт йил ўтиб, М.Ўрозова корхона фаолиятини кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган талабини ўрганиб, элимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ҳаракатига тушди. "Микрокредитбанк"нинг Асака тумани бўлимидан олинган 39 миллион сўм кредит маблағига Хитойдан дастгоҳлар сотиб олинди. Холис ният, яхши умид ва ғайрат билан ишга киришдилар.

Изланиш ва бозор талабини мунтазам ўрганиб бориш, шунга мос равишда маҳсулот тайёрланаётгани харидорлар сонининг жуда тез ортишига олиб келди. Дастлаб, бир ойда атиги 3-4 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда 15 тоннадан ортиқ ун меҳнат ва меҳр тафтида тайёр маҳсулотга айланаяпти. Асосий харидор тумандаги таълим муассасалари бўлиб, шунингдек, аҳолига ҳам ризқ-рўз неъматлари сотилади.




— Қисқа вақт мобайнида маҳсулотларимиз ҳажми ортиши билан бир вақтда иқтисодий жиҳатдан имкониятимиз ҳам кенгайди. 2014 йили 305 миллион 624 минг сўм даромад олинди. Шунинг натижасида аҳолига бир неча турдаги сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди, — дейди Маҳпиратхон Ўрозова. — Жорий йилда Хитойдан ширинликлар ишлаб чиқариш учун қўшимча дастгоҳ сотиб олишни режалаштиряпмиз. Корхона қошида 100 ўринли хусусий болалар боғчаси қурилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида бу маскан болажонларга бизнинг муносиб совғамиз бўлади.

Суҳбатдошимиз жамоатчилик ишларида ҳам фидойилардан биридир. Хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ободонлаштириш, ёшлар тарбияси, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши фаоллари билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам астойдил ибрат кўрсатмоқда.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

# Ерқин келажак бунёд этиш йўлида

## ➢ Дастурий мақсадимиз

Мамлакатимизда йилдан-йилга муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳаси ривожланиб бормоқда. Жумладан, энергетика сектори ривожланишининг устувор йўналиши сифатида биогазга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, бундай технология иқтисодиётнинг ривожланиши, зарарли газларнинг атмосферага кам миқдорда чиқиши ва "яшил" (соф) технологиялардан фойдаланиши туфайли катта самара келтиради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2040 йилга келиб биогаздан энергия манбаси сифатида фойдаланиш дунё миқёсида 23,8 фоизга етади.

Айрим ривожланган мамлакатларда биогаз ишлаб чиқариш бугунги кунда ҳам амалий самараларини бермоқда. Жумладан, Лондон шаҳрининг учдан бир қисми оқава сувларни қайта ишлашдан ва маиший чиқиндилардан олинаётган биогаз билан иситилади, Германияда эса айрим электр станциялари шу турдаги ёқилғи билан ишлайди. Атмосферага заҳарли моддалар чиқармаётганлиги, "яшил" технологияни қўллаётганлиги сабабли давлат бундай электр энергиясини анъанавий станцияларга нисбатан юқорироқ нархларда сотиб олади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда биогаз имкониятлари республика энергия ресурсларига эҳтиёжларнинг 10 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Ўзбекистонда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фермер хўжаликларида, шахсий томорқаларда етиштирилади. У ерда чорвачилик ва деҳқончиликдан йил мобайнида жуда кўп миқдорда гўнг ва ўсимлик поялари, хазонлар тўпланади. Булар биогаз учун хомашё ҳисобланади.

Гўнг ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини биогаз қурилмасида қайта ишлаш орқали биогаз ҳамда юқори самара берадиган ўғит олиш бугун катта аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда биогаз ишлаб чиқаришдан олинадиган биоўғитни қўллаш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 10-30 фоизга оширишга ёрдам беради.

Юртимизда биогаз технологиясидан фойдаланиш бўйича маълум назарий ва амалий тажриба тўпланган. Мисол учун, 2006-2008 йиллари БМТ Тараққиёт дастури қўллаб-қувватлаши асосида Зангиота туманидаги "Milk-agro" фермер хўжалигида биогаз қурилмаси қурилиб, суткасига 8 тонна гўнгни қайта ишлаш ва йилига 100 минг куб метр биогаз олиш имконияти яратилди. Бу эса 70 тонна мазут тежалди, деган гап. Шунингдек, 2000 тоннадан кўпроқ юқори самарадор экологик тоза, гўнгдан тўғридан-тўғри фойдаланилганига нисбатан ўнлаб марта устунликка эга органик ўғит ишлаб чиқарилди.

2010 йили Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши шу каби инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга ва ҳаётга татбиқ қилишга амалий ёрдам бериш ташаббуси билан чиқиб, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга бевосита хизмат қилувчи «Истеъдод» клубини тузди. Унинг фаолияти ривожлана бориб, нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ёш инноватор — ислоҳотларга кўмакдош» вилоят кўрик-танловини эълон қилди. Аввалига ушбу танлов ғолиби бўлган "Ихлос Бизнес Барака" хусусий корхонасининг «Чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш» бўйича лойиҳаси "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" эълон қилган грант соҳиби бўлди. Биогаз қурилмасининг дастлабки синов варианти 2011 йил 22 январда ишга туширилди.

Ушбу қурилма орқали Ўртачирчиқ туманининг "Кучлик" маҳалласидаги 17-мактаб ва тўртта хонадон чиқиндидан олинган биогаз билан таъминланди. Ишлаб чиқарилган биоўғит қишлоқдаги шахсий томорқада ўғит сифатида фойдаланилди.

Мазкур лойиҳа асосида Тошкент вилояти Оҳангарон тумани "Янги ҳаёт" ҚФЙдаги "Имкон Ҳамкор Ишонч Боғи" фермер хўжалигида биогаз қурилмаси қурилиб, ишга туширилди. Ушбу биогаз қурилмасидан фермерлар, деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда биоўғит олиш мақсадларида фойдаланишлари мумкинлиги исботланди.




«Адолат» СДП Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

Биогаз қурилмаси модели инновацион лойиҳа сифатида Республика V-VI ярмаркаларида ҳамда саноат ярмаркаларида намойиш этилди. Иштирокчилар унга катта қизиқиш билдирдилар.

Яқинда "Ихлос Бизнес Барака" хусусий корхонаси томонидан Хоразм вилояти Гурлан туманида "Ўзбекэнерго" ДАКга қарашли электр тармоқлари корхонаси чорвачилик фермасида биогаз қурилмаси қурилиб, иссиқхонага фойдаланиш учун топширилди.

Айни кунда "Ихлос Бизнес Барака" хусусий корхонаси Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлари доирасидаги буюртмани бажаришда қатнашмоқда. "Биогаз ёрдамида муқобил иссиқхона (теплица) конструкцияларини иситиш имкониятларини синаш" деб аталган лойиҳа Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ тумани Қорасув қишлоқ фуқаролар йиғинида қурилади.

Шунингдек, "Ekoravnaq" МЧЖ корхонаси ҳам бугунги кунда биологик чиқиндилардан метан гази ишлаб чиқариш ҳамда зарур қурилмаларни тайёр ҳолда топширишни кенг йўлга қўйган. Корхона томонидан Ховос туманидаги Сирдарё ГРЭСи ёрдамчи чорва хўжалиги фермасида йирик ҳажмдаги биогаз қурилмаси, Тошкент ва Самарқанд вилоятида кичик ҳажмли биогаз қурилмалари бунёд этилди.

Бугун Ўзбекистонда фақат сабзовот етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар 6000 гектарни ташкил этади. 5 ой давомида иссиқхонадаги 1 гектар майдонда помидор ёки бодринг етиштириш учун йилига 390000 куб метр, республика бўйича эса 2 миллиард 340 миллион куб метр табиий газ керак бўлади. Бу жуда катта миқдор. Назаримизда, бу вазиятда иссиқхона хўжаликларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш оқилона ечим бўлар эди. Хусусан, жойларда ҳар кунги чорвачилик, паррандачилик, ем-хашак қолдиқлари, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига биогаз олишдир.

Шу сабабли ҳам ҳозирги вақтда биогаздан иссиқхона учун фойдаланиш кўпайиб бормоқда. Айрим фермерлар катта қувватли биогаз қурилмаларини қуришга ҳаракат қилишмоқда. Бу, албатта, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Биогаз қурилмаларини қуриш, таъминотни ташкил этиш, рентабеллик ва ўзини-ўзи қоплаши юзасидан тадбиркорлар етарлича маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДП "Инновация, муқобил энергетика тарғиботи" маркази Тошкент вилояти партия кенгаши, биогаз қурилмаларини ишлаб чиқарувчи "Ихлос Бизнес Барака" хусусий корхонаси ва "Ekoravnaq" МЧЖ корхонаси билан ҳамкорликда деҳқон хўжаликлари, шунингдек, уй хўжаликлари учун биогаз қурилмалари қуриб бериш, фойдаланиш, қўллаш бўйича ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан малакали ёрдам кўрсата олади. Шу сабабли биз мазкур истиқболли йўналишларга қизиқиш билдирган барча корхона ва ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари, тадбиркорларни ҳамкорликка чақирамиз. Унутманг, келажак — инновацион иқтисодиётда.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП "Инновация, муқобил энергетика тарғиботи" маркази раҳбари

## Сўранг, жавоб берамиз!

**— Яқинда бир танишим меҳнат таътили ўрнига пуллик компенсация тўланиши мумкин эмаслиги ҳақида сўз юритганди. Айтинг-чи, унинг фикри қанчалик асосли?**

*С.Азимова, Тошкент шаҳри*

— Амалдаги қонунчилигимизга асосан меҳнат таътили ўрнига пуллик компенсация тўланиши мумкин. Лекин, ҳақиқатан ҳам 1996 йил 1 апрелигача, яъни айни пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қонуний кучга киргунга қадар меҳнат таътили ўрнига пуллик компенсация тўланишига қатъиян йўл қўйилмас эди.

Ҳозирги пайтда меҳнат таътили ўрнига пуллик компенсация бериш нафақат ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, балки ходим меҳнат фаолиятини давом эттираётган пайтда ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 151-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилаверади. Маълумки, Меҳнат кодексининг 151-моддаси биринчи қисмига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади. Бунда ходимнинг ўтган йиллар давомида неча йил меҳнат таътилидан фойдаланмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Меҳнат кодексининг 151-моддаси иккинчи қисми талабларига кўра, ходимларга иш даврида уларнинг хоҳишига биноан, йиллик таътилнинг ушбу кодекснинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Масалан, ходим 24 иш кунидан иборат меҳнат таътили олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Унинг хоҳишига кўра, унга 15 иш кунидан иборат асосий йиллик таътил асли ҳолатида, қолган 9 иш кунига эса пуллик компенсация тўланади.

Бунинг учун ходим иш берувчига қуйидаги мазмунда ариза ёзиши тавсия этилади: *"Менга 2014-2015 йиллардаги меҳнат фаолиятим учун 24 иш кунидан иборат меҳнат таътили беришингизни сўрайман. Меҳнат таътилимнинг 15 иш кунини асли ҳолатида, қолган 9 иш куни учун пуллик компенсация беришингизни сўрайман".*

Мазкур ариза асосида, раҳбариятнинг унга эътирози бўлмаса, қуйидаги мазмундаги буйруқ қабул қилиниши лозим: *"Ходимга 2015 йил фалон кунидан бошлаб 24 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилсин. Меҳнат таътилининг 15 иш куни асли ҳолатида, қолган 9 иш куни учун пуллик компенсация тўлансин. Ишга чиқиш куни 2015 йил фалон куни.*

Асос: *Меҳнат таътилларини бериш жадвали ва ходимнинг аризаси".*

Фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация тўлови таътил давомида тўланиши лозим. Шунингдек, ходим ўзининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, фойдаланмайдиган таътил кунлари сонини ўзгартиришга ҳақлидир. Масалан, 20 иш куни таътил олиши, қолган 4 иш куни учун пуллик компенсация олиши ёки 22 иш куни таътил олиб, қолган 2 иш куни учун пуллик компенсация олиши мумкин. Амалдаги қонунчиликда таътилдан фойдаланилмай ўтказиб юборилган қанча йил учун ходимга меҳнат таътили берилиши мумкинлиги назарда тутилмаган. Бундай ҳолатда ходимга ўтган йиллар давомида фойдаланмаган меҳнат таътилини, улар неча йил бўлишидан қатъи назар, ҳаммасини бериш мумкин.

Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган қўшимча таътиллар, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътиллар, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, болаларни парваришлаш таътиллари, ўқиш билан боғлиқ таътиллар, ижодий таътиллардан фақат асли ҳолатда фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Агар корхона жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида қонун билан кафолатланган меҳнат таътилидан ташқари қўшимча таътиллар назарда тутилган бўлса, бу қўшимча таътилдан фойдаланмаслик эвазига пуллик компенсациялар фақат мазкур корхонада амалда бўлган ички меҳнат тартиб-қоидалари асосидагина тўланиши мумкин.

Шуни ҳам унутмаслигимиз лозимки, қонунчилик иш берувчи зиммасига меҳнат таътилини пуллик компенсацияга алмаштириш мажбуриятини юкламаган. Шунинг учун ходимнинг меҳнат таътилини пуллик компенсацияга алмаштириш тўғрисидаги илтимоси айрим ҳолатларда иш берувчи томонидан қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Ўз навбатида иш берувчи ходимга меҳнат таътилини тўлалигича асли ҳолатида бериш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Саволга ҳуқуқшунос **Абдулло ТОЛИБЖОНОВ** жавоб берди.

# Лицензия қани?

## ➢ Божхона бекати

Мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган фильмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб сотаётган замонавий "қароқчи"лар муаллифликка оид ҳуқуқларни қўпол равишда бузиш билан бир қаторда хорижнинг ур-йиқит, шовқин-суронли ва баъзида беҳаё фильмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий дахл қилишмоқда.



Республикамиз божхоначилари томонидан бу турдаги қонунбузилишларга қарши қаратилган чора-тадбирлар мунтазам давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига кўра, DVD дискларга фильмлар ёзиш, уларни намойиш этиш ва сотиш фаолияти лицензияланиши белгиланган бўлса-да, айрим шахслар томонидан мазкур қонун талабларига риоя этмасдан ҳуқуқбузарликка йўл қўйилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Н.Муслимовнинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) қинғир қилмишларига чек қўйилди.

Ушбу фуқаро белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида қиймати 14,5 миллион сўмлик салкам 3 минг дона турли хилдаги DVD дисклар билан тегишли ташкилотнинг лицензиясини олмасдан туриб савдо фаолиятини амалга ошираётган экан.

Суриштирувлар давомида аниқланишича, фуқаро Н.Муслимов лицензия олиниши шарт бўлган мазкур фаолият тури билан муқаддам ҳам тегишли рухсатномасиз шуғулланиб келган ва бу учун бир неча бор маъмурий жавобгарликка тортилган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиши таъминланди.

Шунингдек, "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари "Алмата-Нукус" йўналиши бўйича кириб келган поезд йўловчиларини божхона назоратидан ўтказаётиб, қўшни давлат фуқароси Д.Жуманов томонидан йўловчи божхона декларациясида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилмасдан туриб, турли мазмундаги салкам 70 дона дисклар яширинча олиб кирилишига чек қўйишди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси фуқаролардан божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 ишонч телефонига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати**

# Имтиёз ва имкониятлар

## ➢ Адлия фаолияти

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш адлия органларининг асосий вазифаларидан бири саналади. Бу борада Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий адлия органлари, шу жумладан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтган даврда муайян ишлар амалга оширилди.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик соҳасида қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси бўйича назорат ва тизимли равишда мониторинг тадбирлари, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар, ижтимоий сўровлар ўтказилиб, уларнинг муаммолари яқиндан ўрганилиши, уларга кўрсатилаётган амалий ёрдамлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан бошқармага келиб тушаётган мурожаатларнинг ўтган йилларга нисбатан ортаётгани уларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинаётганлигининг тасдиғидир.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари томонидан турли соҳалар бўйича ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш мақсадида, шунингдек, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, амалий ёрдам кўрсатилиши борасида 2013 йилда 163 та, 2014 йилда 166 та мурожаатлар келиб тушган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 27 та мурожаат қайд этилган.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётган шарт-шароитлар бартараф қилиниши билан биргаликда, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мисол учун, Хоразм вилояти Янгиариқ туманида яшовчи фуқаро С.Норбоевага туман ҳокимининг 2013 йил 23 ноябрдаги қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида маҳалла гузари қуриш учун ер майдони ажратиб берилган. Бироқ, Янгиариқ туман архитектура ва қурилиш бўлими томонидан ушбу ажратилган ер майдони чегаралари натурада белгилаб берилмагани аниқланди.

Бошқарма томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш давомида тегишли ташкилотлар томонидан берилган хулосалар асосида туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил қилинган комиссия йиғилиш баёнига асосан туман ҳокимлиги томонидан фуқаро С.Норбоевага маҳалла гузари қуриш учун 600 кв.метр ер майдони ажратиб бериш тўғрисида 597-к-сонли қарор қабул қилинди. Шунингдек, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилди.

Мазкур тақдимнома ижроси юзасидан фуқаро С.Норбоевага ажратиб берилган ер майдонининг чегаралари натурада белгилаб берилиши таъминланиб, туман архитектори Ж.Қаландаровнинг маъмурий жавобгарлик масаласи суд тартибида ҳал этилди.

Бундан ташқари, Гурлан туманидаги "Отаназар Досимов" хусусий фирмаси раҳбари О.Досимовнинг Гурлан туман ДСИ томонидан фирма фаолиятида ўтказилган режали солиқ текширувидан норози бўлиб вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Мазкур мурожаатни ўрганиш давомида Гурлан туман ДСИ томонидан 2014 йил август ойида фирма фаолиятида ўтказилган режали солиқ текшируви (тафтиш) натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома текшириш якунланган куни эмас, балки 3 кундан кейин фирма раҳбарига тақдим қилиниб, текшириш тартибига риоя этилмаганлиги ҳамда фирма раҳбарининг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, туман ДСИнинг текширувчи ходимлари А.Ражабов ва О.Пировларнинг маъмурий жавобгарлик масаласи суд тартибида ҳал этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Хоразм вилояти адлия бошқармаси бундан кейин ҳам тадбиркорлик фаолияти йўлида ғов бўлиб турган тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига барҳам беришга эътибор қаратади.

**Шерзод ХЎЖАНИЁЗОВ,**
Хоразм вилояти адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

# Сингапур менежментидан хитой алифбосигача

хабардор бўлган тадбиркор бозор рақобати шароитида ўз бизнесини қандай ривожлантираётгани хусусида

**➢ Замондошларимиз**

Тил ўрганиш, ўрганганда ҳам ўша миллат вакиллари билан бир даврада туриб суҳбатлашиш, фикр, мақсадларини осонгина илғаб олиш хусусий бизнес талаб қиладиган фазилатлар қаторига кирадими?

Самарқанддаги "Мотрид мебель" масъулияти чекланган жамияти корхонаси менежери Саидхон Файзуллаев бу саволга ҳеч иккиланмай "ҳа", деб жавоб қайтаради. Йигирма тўрт ёшли тадбиркор Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш университетида ўқиш билан бирга Хитой тилини ҳам яхшигина ўрганиб олди. Энди у Хитойга товар хомашёси ва технологиялар хариди бўйича хизмат сафари чоғида таржимонсиз иш кўра олади. Ҳар қандай шартномавий ҳужжатларни асл ҳолича ўқиб тасдиқлайди. Ўз бизнесининг моҳияти, истиқболларини хитойлик шерикларига осонгина уқтира олади. Қисқагина қилиб айтганда, уларнинг ишончига кириб, эркин фаолият юритади.



— Хитой, шак-шубҳасиз, дунёдаги энг йирик бизнес марказларидан бири, — дейди Саидхон Файзуллаев. — Шу боис ҳар сафар тижорат мақсадида бу юртга сафарим чоғида мен билан тенгма-тенг муносабатга кириша оладиган янги шерик қидиришга ҳаракат қиламан. Кўргазмага қўйилган бирор-бир технологик ускунанинг иш қобилиятини аниқлаш учун у амалда қўлланилаётган корхонага бораман. Мулк эгалари, мутахассислар билан улар тилида суҳбатлашаман. Хитойлик дўстларга Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар моҳияти, бизнес ва инвестиция учун яратилган қулай шароитлар ҳақида гапирганимда, улар мени ўз яқин кишиларидек кўриб қолишади.

Бу дунёни таниган самарқандлик менежернинг мулоҳазалари. Ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида гапирадиган бўлсак, "Мотрид мебель" фаолиятининг кейинги беш йили давомида бу ерда меҳнат унумдорлиги ва ялпи маҳсулот ҳажми деярли ўн бароборга ошди. Таннарх арзонлашиб, европача ва шарқона мебель буюмларининг ўнлаб янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муҳими, корхона ўз маҳсулотларини интернет сайти орқали реклама қиладиган бўлди. Бу бизнесдаги фарқли жиҳатлардан бири.

Иқтисодий билимдонлик, ҳуқуқий саводхонлик бизнеснинг муваффақияти учун зарур омиллар деб ҳисоблайдиганлар ана шу мулоҳазалардан сўнг тадбиркор нечоғлик серқирра билим ва фазилатларга эга бўлиши лозимлигини бемалол тушуниб етишади.

Изланиш, ўрганиш, дунёдан хабардор бўлиш "Мотрид мебель" корхонаси менежери Саидхон Файзуллаевга, у ўз кучини, истеъдодини қаратаётган бизнесга қандай имкониятлар эшигини очмоқда?

Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, оилавий тадбиркорликка асосланган мазкур корхонада бугун 115 турдаги рақобатбардош мебель буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Харидорлар рўйхати республикамизнинг барча вилоятларини қамраб олган. Тайёр маҳсулот омборхонада сира туриб қолмайди. Аксинча, олдиндан тузилган шартнома асосида мижозга пешма-пеш етказиб берилади. Шу тариқа ҳар ойда 100 миллион сўмлик ёки йилига бир миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга, корхонанинг 40 нафар мебелсоз усталарини юқори маош билан таъминлашга муваффақ бўлинмоқда.

"Мотрид мебель" МЧЖ таъсисчиси оилавий тадбиркорлар сардори Жўра Афоқовнинг таъкидлашича, корхонани энг янги технологиялар билан жиҳозлаш, модернизациялашдан барча бирдек манфаатдор. Шу боис кўпинча корхонанинг оддий мебелсоз устаси ҳам интернет тармоғига уланган компьютер қаршисида ўтириб соҳага оид янгиликларни излайди, энг яхши андозаларни ижодий ўзлаштириб олишга, такомиллаштиришга ва ўз фаолиятига татбиқ этишга ҳаракат қилади. Ана шундай изланишлар туфайли биргина ўтган йилдаги модернизациялаш жараёнлари учун қиймати 200 миллион сўмлик нусха кўчириш дастгоҳи хориждан келтирилиб ўрнатилди. Бу эса тармоқ корхоналари ўртасидаги рақобатда дарҳол ўз таъсирини кўрсатди. Негаки, буюртма асосида харидор танлаган мебелни тайёрлаш муддати кескин қисқарди. Сифат янада такомиллашди.



Дарвоқе, бугун "Мотрид мебель"нинг маҳсулотлари ҳар бир оила учун орзиқиб кутилган буюмга айланиб улгурган. Улар қаторида ёш оилалар учун мебель жамланмалари, ҳар қандай хонадонга файз киритадиган ойнали жавонлар, диван, креслолар, ҳатто мактаб ёшидагилар учун севимли мультфилмлар қаҳрамонлари акс эттирилган стол, стул ва парталарни санаб кўрсатиш мумкин. Барчасида юксак дид, маҳорат излари мужассам. Шу боис харидор эҳтиёжи ва талаби асосида иш юритаётган, доимий ўрганиш, изланишлар билан яшаётган "Мотрид мебель" жамоаси "Ташаббус" кўрик-танловларининг шаҳар, вилоят босқичларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўз маҳсулотлари билан турли нуфузли кўргазмаларда иштирок этиш эса янги фойдали шартномалар тузиш, буюртмачилар рўйхатини кенгайтириш имконини бермоқда. Фақат ўтган йил якунида Тошкентда бўлиб ўтган савдо ярмаркасида харидорлар билан 200 миллион сўмлик шартнома тузилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. "Мотрид мебель" қишлоқ жойларда қурилаётган намунали уй-жойлар учун мебель етказиб бериш бўйича марказлашган ҳолда буюртмалар қабул қила бошлади. Нархлар анча арзон, сифат эса кутилганидан ҳам зиёда. Мақсад шаҳар хонадонларига хос рўзғор маданиятини қишлоқларга ҳам кўчириш, юртдошларимиз учун муносиб турмуш шароитларини муҳайё этишга кўмаклашишдан иборат.

Демак, замонавий бизнеснинг асл моҳияти фақат фойда, даромад олиш эмас, одамларнинг корига яраш, улар онгида янгича турмуш кўникмаларини шакллантиришга ҳам қаратилмоқда. Бу эса ижодий изланиш, ўрганиш ва ўрнак бўлишга арзигулик меҳнатнинг энг зарур ҳосиласидир.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

# Молия сектори самарадорлигини ошириш йўлида

Тошкент молия институтида мамлакатимиз иқтисодиётида молия секторининг аҳамиятини ошириш ва бу жараёнда хорижий тажрибадан фойдаланишнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Банк-молия академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим соҳалари вакиллари, молия-кредит ташкилотлари экспертлари иштирок этди.

Тошкент молия институти ректори У.Азизов ва бошқалар мамлакатимиз банклари фаолиятини такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш, қўшимча инвестициялар жалб этиш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва кўламини кенгайтириш молия-банк секторини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори соҳага доир шу каби масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда мамлакатимиз банк-молия секторини барқарор ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Чунончи, 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилиб, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкаси ҳам шунга мос равишда камайтирилди. Банк активлари, умумий капитал ва депозитлар, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитларнинг йиллик ҳажми ошиб бораётгани кузатилмоқда.

— Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ислоҳ этишда молия-банк секторининг ўрни тобора ошиб бормоқда, — дейди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг молиявий бозорлар бўйича мутахассиси Казуюки Нагао. — Бугунги кунда дунёнинг етакчи "Standard & Poor"s" ва "Moody"s" рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон тижорат банкларига берилаётган барқарор рейтинг кўрсаткичлари соҳани ривожлантириш борасида танланган стратегиянинг самарадорлигидан далолат беради.

**М.ҚАРШИБОЕВ,**
ЎзА мухбири

# Интерфаол хизмат

## вақтни тежашга замин яратади

**➢ Солиқ почтасидан**

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 45-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга асосан 2015 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларни электрон ҳужжат айланиши орқали қабул қилиш бўйича интерактив давлат хизмати кўрсатишнинг асосий мақсади ва вазифаси солиқ тўловчиларга қулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Мазкур интерактив давлат хизматини кўрсатиш солиқ тўловчиларнинг сарф-харажатларини камайтиришга ва солиқ тўловчиларнинг вақтини тежашга замин яратади. Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган ахборот хизматлари сифати оширилади. Бундан ташқари, солиқ тўловчи ҳамда солиқ органларининг ўзаро муносабатларида субъектив аралашувлар чекланади.

Давлат солиқ органларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кўрсатилаётган интерактив хизматларни такомиллаштириш мақсадида, корхона ва ташкилотлардан тушаётган таклифлар инобатга олинган ҳолда камчиликларни тузатиш юзасидан дастурий маҳсулларга ўзгартиришлар киритиб бориш йўлга қўйилган. Солиқ тўловчиларга замон талабларидан келиб чиқиб, қулайликлар яратилмоқда. Бугун солиқ тўловчилар солиққа оид масалалар бўйича бирон-бир тушунмовчиликка дуч келсалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти орқали интерфаол хизматлардан фойдаланиб, соҳага оид ҳар қандай саволга жавоб топишлари мумкин.

Ўзининг саволи ёки мурожаатига жавоб тополмаган фуқаролар эса сайтдаги «Электрон қабулхона»га кириб, унга зарур маълумотларни киритса, «Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси» очилади. Шунга асосан аниқ вақтда улар учун тегишли раҳбар ёки мутахассис билан учрашув ташкил этилади.

Мазкур хизматдан смартфонлар учун мўлжалланган «SOLIQ» мобиль иловаси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my gov.uz) орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

«SOLIQ» мобиль иловаси ўзбек ва рус тилларида яратилган бўлиб, у орқали «СТИРингизни аниқланг», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Сизнинг солиқ хизматингиз», «Солиқ қарзини аниқланг», «ҚҚС тўловчи», «Кўп учрайдиган саволлар», «Мурожаатлар ҳақида маълумот олиш», «Солиқ низоларини кўриб чиқиш», «Кичик бизнес тоифасига мансублигини аниқлаш», «Сўровнома», «Имтиёз маълумотномаси», «Электрон қабулхона», «Текширишлар режа-жадвали», «Ўз бизнесингни ярат» каби интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Жорий йилдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан «Click» ва «Mbank» тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш мумкин. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланишда қўшимча пул олинмайди. Тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган «Online-UZCARD» пластик карталардан фойдаланиш мумкин.

**Фарҳод ЎРМОНОВ,**
Сергели тумани ДСИ бошлиғи

Reklama

# «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти «Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади

**Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 13 сентябрдаги 1345-сонли ва 28 ноябрдаги 1837-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қайта танловга қўйилмоқда.**

***1. Бухоро шаҳар Мохи Хоса кўчаси ёқасидан ҳунармандчилик мажмуаси ва уй-жой биноси қуриш учун 400.0 кв.мдан иборат 1 та (5-сонли) ер участкаси. Ер учаткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 247856 сўм.***

***2. Бухоро шаҳар Шайхон кўчаси ёқасидан савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва уй-жой биноси қуриш учун учун ҳар бири 380.0 кв.мдан иборат 5 (беш) та ер участкаси. Ҳар бир ер учаткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 235463 сўм.***

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (якшанбадан ташқари) бошланади ва 2015 йил 03 май 18:00 да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар «Ипотека-банк» Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 04 май куни соат 11:00 да очилади. 2015 йил 04 май куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 04 майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йил 11,18,25 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

*Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уй, 1-қават*
*Телефонлар: 8 (365) 221-51-62.*

*Лицензия RR-0048*

Reklama o'rnida

ASAKA BANK

# КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА КЎМАК

## ➢ Молия муассасаларида

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажми йилдан-йилга ортмоқда ва бу ўзининг муносиб натижаларини бермоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам қизғин давом эттирилаяпти. Ният эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, бу йўлда ишонч ва кўтаринки руҳ билан дадил ҳаракатланишдан иборат.

Ўтган йил давомида «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Қашқадарё вилоят филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жами 21,5 миллиард сўмлик кредит маблағларини йўналтирди. Бу маблағлар вилоятда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий юксалишига хизмат қилиши ва қолаверса, мамлакатимиз равнақига муносиб улуш бўлиб қўшилиши баробарида ушбу сармоялар эвазига қўшимча 387 та янги иш ўрни яратилгани бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижаси бўлди.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2015 йил 1 январь ҳолатига 39,4 миллиард сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.



### БАНК КРЕДИТЛАРИ — ФАРОВОН ТУРМУШГА

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тадбиркорлик ривожига самарали таъсир кўрсатаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотлар замирида одамларнинг фаровон ҳаёт кечириши, турмуши бундан-да обод ва гўзал бўлишига хизмат қилаётган мазкур дастурил-амал ҳужжат талаблари доирасида банк мижозлари ўтган йил давомида 10,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари билан таъминланди. Президентимизнинг "Маҳаллий нооизиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ажратилган кредитлар эса 1,2 миллиард сўмдан ошди. Натижада маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш жабҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва моддий-техникавий салоҳияти тубдан мустаҳкамланди. "Омад" фермер хўжалигининг банк билан молиявий соҳалардаги ҳамкорлиги буни яққол исботлайди. Паррандачиликка асосланган хўжалик банкнинг кредит сармояси туфайли қаддини тиклабгина қолмасдан босқичма-босқич ривожланишга ҳам муваффақ бўлаяпти. Банкдан олинган кредит маблағи эвазига яқинда бу ерда яна 2 та янги иш ўрни очилди. Энг муҳими, етиштирилган сифатли тухум ва парҳез гўшти бозорда бу хил маҳсулотлар нархининг пасайишига олиб келаяпти.

Вилоятда тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнес субъектлари сонининг мунтазам равишда ортиши кузатилмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг оёққа туриб олиши осон кечмайди. Бундай паллада уларни изчил қўллаб-қувватламоқ, тасарруфидаги бошланғич капитал манбаларни кўпайтиришга фаол кўмаклашмоқ даркор. Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорликни кенг ривожлантиришга қаратилган қонунлар, Юртбошимиз фармонлари ва қарорлари уларга имконият эшикларини очиб бермоқда.

Хизматлар лицензияланган



«Асака» банкнинг Қашқадарё вилояти филиали томонидан Президентимизнинг 2013 йил 25 июлдаги "Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳозирги кунда Қарши шаҳри Ўзбекистон кўчаси бўйлаб 4 та ва Шаҳрисабз шаҳрида 1 та кўп қаватли уй-жой биноларининг қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Уй-жойлар қуриб битказилиши натижасида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида 126 нафар ёш оилалар уй-жойлар билан таъминланади. Мазкур уйларнинг биринчи қавати замонавий савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларига мўлжаллангандир. Бу эса, ўз навбатида аҳоли учун вилоят тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотларни сотишга ҳамда хизматлар кўрсатишга ва янги иш ўринларини яратишга замин яратади.

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги "2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Қамаши туманидаги "Иссиқ нон-ХС" хусусий фирмасига кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Экспресс темир-бетон" масъулияти чекланган жамиятига имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратилди.

Банк филиали томонидан 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 28,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 3,6 миллиард сўм, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 1,5 миллиард сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 14,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Жорий йилда тадбиркорларга 4,0 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилади.

Банкнинг бу соҳадаги тадбирлари кўлами анча кенг ҳамда салмоқли ва унга доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, мижозлар манфаати банк ходимлари учун доимо устувор ва ҳамиша асосий ўринни эгаллайди.

### РАҒБАТ ВА САМАРА

**Отақул ЖОНҚУЛОВ,**
**"Қашқадарё балиқчилик" МЧЖ раҳбари:**

— Қарши туманида жойлашган балиқ етиштиришга мўлжалланган сув ҳавзаларида бир мавсумда 378 минг дона "сазан", "оқ амур" ва "толстолобик" балиқларини етиштирамиз. Балиқ маҳсулотларини сақлаш ва аҳолига етказиб бериш мақсадида замонавий музлаткич қуриш учун «Асака» банкига мурожаат қилдик. Банк маъмурияти қисқа муддатда лойиҳамизни молиялаштирди. Ташкилотимиз тасарруфидаги маблағга банкнинг кредит сармояси қўшилгач, ишимиз суръати ва сифати кескин ортди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, вилоятимизда балиқчилик жадал суръатлар билан ривожланаяпти. Шуни назарда тутган ҳолда бунёд этилган замонавий музлаткич узоқ йиллар давомида вилоятимиз аҳолисини сифатли ва фойдали балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради, деб ўйлаймиз. Банк томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳа эвазига қўшимча 4 та янги иш ўрни ташкил этилди.



Бизнинг муваффақиятга эришишимизда «Асака» банкнинг кўмаги юқори эканлигини таъкидлашимиз лозим. Биз «Асака» банкда ҳисоб рақамимизни очиб, янглишмаганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик ва банк хизматларидан мамнунмиз. Корхонамизнинг фаолият юритишида мазкур банк кўмагида бунданда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлаганмиз.

### ИМКОНИЯТ ТАШАББУСГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

**Алишер ЖЎРАЕВ,**
**"Қарши чорва наслдори" МЧЖ бошлиғи:**

— «Асака» банк томонидан ажратилган кредит маблағи жамиятимизни кўп тармоқли хўжаликка айлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади, десам, хато бўлмайди. Ушбу кредит маблағи эвазига 10 бош йирик шохли қорамол харид қилдик. Шунингдек, эски ферма биносини замонавий лойиҳа асосида реконструкция қилишга муваффақ бўлдик. Қўшимча 2 та янги иш ўрни яратилди. Бугунга келиб жамиятимиз қарамоғидаги йирик шохли қорамоллар сони 25 бошга етди. Ҳозир хўжалигимиз моддий ва молиявий барқарорлик йўлидан дадил бораяпти. Ўтган йилнинг ўзида 10,8 минг литр сут маҳсулотлари, 5,2 минг килограмм гўшт маҳсулотлари элимиз дастурхонига етказилди.

Ўтган қисқа фурсат ичида «Асака» банк ва жамиятимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. Ўзаро қатъий ишонч юзага келди. Жамиятимиз банк сармоялари туфайли иқтисодий барқарорликка эришган экан, ишончли ва фойдали ҳамкорлик бундан кейин ҳам самарали давом этади.

### ОБОДЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА ОМИЛИ

**Мафтуна МЕЙЛИЕВА,**
**"Етимтоғ кўрки" МЧЖ раҳбари:**

— «Асака» банк билан молиявий ҳамкорликка бел боғлар эканмиз, кўзлаган режаларимиз бу қадар тез рўёбга чиқишини ўйламаган эдик. Ростини айтсам, бироз шошиб ҳам қолдик. Сабаби, кредит учун банкка берилган буюртма орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан қондирилди. «Асака» банк кредити ҳисобига замонавий ускуналар олдик ва сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари сифати жиҳатидан истеъмолчиларнинг мақтовига сазовор бўлмоқда. Банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига 4 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу янги иш ўринларига Яккабоғ туманидаги касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қабул қилдик.

Тадбиркорлик кенг тараққий этаётганлиги туфайли юртимиз яшнамоқда, мамлакат куч-қудрати ортиб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Бундай олижаноб саъй-ҳаракатларга барча ёш тадбиркорлар қатори мен ҳам самарали улуш қўшаётганимдан хурсандман. Бунда бизга, албатта, «Асака» банк молиявий кўмаги қанот бўлмоқда.

### ИШОНЧЛИ ҲАМКОР КЎМАГИДА

**Ахмед ШАРИПОВ,**
**"Наслчилик" МЧЖ раҳбари:**

— Бугунги кунда банклар тадбиркорлар билан нафақат мижоз, яқин ҳамкор, мададкор сифатида ҳам мустаҳкам алоқа боғламоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармонларга биринчи навбатда банк ёрдам қўлини чўзмоқда.

Ўз фаолиятим мисолида айтадиган бўлсам, мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яхши ниятлар билан элимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладим ва фарзандларим билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга киришиб кетдик. Шу мақсадда вилоятда энг кўзга кўринган, нуфузли банклардан бири — «Асака» банкнинг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилдик. Янглишмаган эканмиз, банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. «Асака» банк билан кўп йиллик ҳамкорлик алоқаларимиз натижасида бизнинг чорвачиликка ихтисослашган корхонамизда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берди, қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишга эришдик.

Банк кредитлари ҳисобига хориждан наслли қорамоллар олиб келдик. Бу айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурини амалга оширишда муҳим лойиҳа бўлиб хизмат қилмоқда.

Кредит олгунимга қадар бўлган давр мобайнида ўз маблағларимиз ҳисобига 1 йилда ўртача 45-50 тонна гўшт маҳсулотлари етиштирилган бўлса, кредит маблағлари эвазига олиб келинган наслли қорамоллар ҳисобига бу кўрсаткич 85-90 тоннага етди. Бундан ташқари, 9 та янги иш ўрни яратилиб, қишлоғимизнинг шунча ёшлари доимий иш билан таъминланди. Улардан 4 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Иш ўринлари сонини 20 тага етказиш ниятидамиз.

Келгусида гўшт ва сутни қайта ишлаш линияларини олиб келиб ўрнатиш ва халқимиз дастурхонини янада фаровон ва тўкин қилишга ҳиссамизни қўшишни ният қилиб турибмиз. Албатта, бу борада «Асака» банк бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири
**Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА**
тайёрлади.

# Паймартнинг "Гўзаллик салони"

## ➢ Ибрат

Сайхунобод туманидаги Паймарт маҳалласида фаолият юритаётган "Гўзаллик салони"да ўз ҳунарини яхши билган қизлар хотин-қизларнинг ҳуснига ҳусн қўшишдан завқланишади. Тошкентдаги "Машҳура" ўқув марказида элита пардалар тикиш, сартарошлик сир-синоатларини пухта ўрганиб қайтган Тошбуви Абирқулованинг жонажон қишлоғида "Гўзаллик салони" очганига ҳам тўрт йилдан ошди.

Ташкилотчилик қобилиятини ишга солган изланувчан Тошбуви ёнига ёшларни жалб этди, айни пайтда у Мадина Амирқулова, Сарвиноз Ҳамзаева, Зилола Тожибоева каби ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги мазкур "Гўзаллик салони"га туманнинг Паймарт, Юлдуз ва Ҳисор маҳаллаларидаги аёллар ҳам келишади, салонда хушмуомала, чаққон, ўз ишини маромига етказишга уста қизлардан улар доим хурсанд бўлишмоқда.

Тошбувининг синглиси Дилдора ҳам қўли гул пазанда, бу ерда бир неча турдаги хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани боис Дилдора торт ва ва бошқа турфа пишириқлар тайёрланишида пазандаларга бош-қош бўлаётир.

— Доим гавжум бу масканда аёллар, опа-сингилларимизга шаҳардаги "Гўзаллик салон"ларидан қолишмайдиган даражада сифатли хизмат кўрсатилмоқда, — дейди Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини котиби, "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти раиси У.Эгамов. — Эндиликда уларнинг бундай юмуш билан шаҳарга қатнаб юришларига ҳожат қолмаяпти.

Қишлоқлардаги ана шундай "Гўзаллик салон"ларида хотин-қизларга манзур бўларлик хизмат кўрсата оладиган, замонавий ҳунарларни чуқур билган қизлар сони ортиб бораётгани қувонарлидир.

**Эркин САИДОВ,**
*Сирдарё вилояти*




**МУАССИС:**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *233-41-89*.
**Навбатчи муҳаррир** — Саодат Содиқова
**Навбатчи** — Абдуғани Содиқов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 400. Адади — 12106
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 22.00
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5